

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
3-iyun
chorshanba
№ 22 (1450)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТГА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ИНТЕГРАЦИЯ ФАЛСАФАСИНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон НЕЪМАТОВ шу йил 4-6 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Термиз мулоқотининг иккинчи йиғилиши арафасида “Дунё” АА саволларига жавоб берди.

— Акрамжон Илҳомович, яқин кунларда Термиз мулоқоти доирасидаги иккинчи йиғилишга старт берилди. Ушбу форумнинг кун тартиби қандай ва унда қайси масалалар устувор ҳисобланади? Аксарият қузатувчилар бу жараёнда, аввало, иқтисодий — темирйўллар, энергетика инфратузилмаси, транзит савдосини кўрмоқда. Ўзаро боғлиқликнинг асосий моҳияти шундан иборатми?



— Шубҳасиз, иқтисодий — асосий таркибий қисмлардан биридир. Иқтисодий ҳамкорлик — бу давлатларни боғлайдиган реал манфаатлар, ўзаро фойда, халқларимиз фаровонлиги ва юксалишининг пойдевори. Албатта, трансрегионал ўзаро боғлиқлик ҳақида сўз юритганимизда, логистика, савдо, транспорт йўлақлари, энергетика ва инфратузилма бу жараённинг энг муҳим асосини ташкил этади.

Бироқ ўзаро боғлиқликнинг ўзи фақатгина иқтисодий ҳамкорлик билан ўлчанмайди. Кун тартибимиз анча кенг, мақсадларимиз эса бундан-да юксак. Негаки, гап бутун улкан Евроосиё худудида ягона ишонч, барқарор тараққиёт ва ажралмас хавфсизлик маконини яратиш ҳақида бормоқда.

Шу сабабли ҳам Термиз мулоқотининг кун тартиби жуда кенг, иштирокчилари таркиби эса инклюзив хусусиятга эга. Бу йилги учрашувимиз Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) билан шерикликда ташкил этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро ОХИЧКнинг асосий вазифаси Осиёда ишонч чораларини мустаҳкамлашдан иборат. Муло-

қотда, шунингдек, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамда БМТнинг Афғонистонга ёрдам кўрсатиш миссияси ҳам фаол қатнашмоқда. Гарчи диққат марказида географик жиҳатдан Марказий ва Жанубий Осиё турган бўлса-да, Евроосиё маконининг барча мамлакатлари, қолаверса, ундан ташқаридаги давлатлар ҳам мулоқотимизнинг тўлақонли иштирокчилари ва манфаатдор томонлари ҳисобланади. Буни Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Қатар, Хитой, Россия, Туркия, АҚШ, Швейцария ва бошқа давлатлардан ташриф буюраётган делегациялар таркиби яққол тасдиқлайди.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Термиз мулоқотининг ўзи Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган глобал ташаббусининг амалий ифо-

дасидир. Мазкур стратегик гоё халқаро ҳамжамият томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди ҳамда 2022 йилда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясида расман мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу резолюция трансрегионал яқинлашув учун узоқ муддатли халқаро-ҳуқуқий асос яратиб, уни барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этди. Умуман олганда, мазкур қадам Давлатимиз раҳбарининг ўзаро манфаатдорлик, самимий яхши қўшничилик ва превентив тинчликпарварлик тамойилларига асосланган давлатларо муносабатларни изчил шакллантиришга қаратилган чуқур стратегик ёндашувини яққол намоён этади.

Мулоқотнинг ҳаммуаллифлари орасида нуфузли тинчликпарвар ташкилотлар, сиёсий жамғармалар ва етакчи академик доиралар ҳам бор. Улардан бир нечасини санаб ўтаман — булар Конрад Аденауэр жамғармаси, Бергхоф жамғармаси (ГФР), ПисНеккус (Швейцария), “Search for Common Ground” (АҚШ) ҳамда нуфузли Жоржтаун университетидир. Бизнинг умумий вазифамиз кенг қамровли ва очик мулоқот учун ҳақиқатан ҳам инклюзив кўп томонлама платформа яратишдан иборат.

— Бўлажак мулоқот дастури қандай? У фақат расмий ялпи мажлислар билан чекланадими?

— Мулоқотимиз кенг кўламли уч кунлик форум бўлиб, унинг дастури анъанавий ялпи мажлислар доирасидан анча кенг. Биз чуқур наза-

рий мунозарани амалий натижалар билан ўй-ғунлаштиришга интиламиз.

Асосий сессиялардан ташқари, дастур доирасида бир қатор муҳим қўшимча тадбирлар режалаштирилган.

Хусусан, тадбир доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорлик, Афғонистон-Ўзбекистон-Покистон йўналишида мулоқотни йўлга қўйиш, Марказий Осиёда минтақавий ўзига хослик масалалари, шунингдек, тинчликпарварлик ва барқарор ривожланиш мавзусида ёшлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга бағишланган қатор эксперт ва академик мунозаралар ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу муҳокамаларнинг асосий мақсади конструктив ҳамкорлик кун тартибини илгари суриш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликнинг узоқ муддатли механизмларини шакллантириш учун эксперт-таҳлилий ва интеллектуал салоҳиятни ишга солишдан иборат.

Бундан ташқари, дастурда сайёр сессиялар ҳам кўзда тутилган. Мулоқот иштирокчилари Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва логистика соҳасидаги ҳамкорликнинг замонавий инфратузилмаси, жумладан, “Айритом” халқаро савдо маркази ва “Termez Cargo Center” халқаро логистика хаби фаолияти билан яқиндан танишиш, шунингдек, ушбу қадимий шаҳарнинг бой маданий-тарихий мероси билан танишиш мақсадида Термизга ташриф буюришлари режалаштирилган.

2-6

ҲУҚУҚ

ИНСОН ТАҚДИРИ ҲАЛ БЎЛАДИГАН МАВЗУ

ёки бугун суд ва журналистика уйғунлиги жамиятда адолат ва ишонч муҳитини қай даражада мустаҳкамламоқда?



Жамиятда адолат мезонининг қай даражада ишлаётгани кўп жиҳатдан суд тизими фаолияти билан баҳоланади. Суд жараёнлари эса фақат ҳуқуқшунослар ёки айбланувчиларгагина дахлдор мавзу эмас. У бутун жамият учун муҳим бўлган ижтимоий ҳодисадир. Шу сабаб суд жараёнларини ёритиш журналистиканинг энг масъулиятли ва мураккаб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда суд журналистикани нафақат бирор жиноят ҳақида хабар бериш, балки адолатнинг қандай қарор топаётганини жамоатчиликка кўр-

сатиш вазифасини ҳам бажаради. Чунки очик ва шаффоф суд тизими демократик жамиятнинг асосий белгиларидан биридир. Матбуот эса ана шу шаффофликни таъминловчи муҳим восита саналади.


Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Конституцияда судларнинг очиклиги ва ошқоралиги тамойили белгиланган. Бу эса журналистларга суд жараёнларини кузатиш ва қонун доирасида ёритиш имконини беради. Бироқ суд журналистикаси оддий репортаждан фарқ қилади.

4-6

СПОРТ

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ: ЯНГИ УМИДЛАРНИ УЙҒОТДИ

3-6



ФАХР

САОДАТ БУРЖИДАГИ

Ватан

Йигирманчи аср... Тарих. Асрий зулмат қоплаган она замин ингроқлари:

- Ота, нега гаминасиз?
- Кутяпман кўшени.
- Она, нега маъюссиз?
- Синаяпман бардошни.
- Ака, тоғдек елкангиз Нега ғамдан букилган?
- Чексиз пахтазорларга Менинг умрим экилан.
- Опа, ҳуе тутлардаги Чайқалаётган нима?
- Шамол туққан болалар...
- Бошқа ҳеч нарса дема...
- Синглим, рангингда қон йўк...
- Кечир, йўлингни тўсдим.
- Ука, жон кетиб борар, Пахтазорда қон қусдим...

Йигирма биринчи аср... Учтинчи Ренессанс пойдеворида қўйилган олтин гишлар шуъласи руҳни яйратади. Ислоҳ цивили-

зацияси марказининг муҳташам меъморий мўъжизасидан таралаётган Қуръони карим нурлари беором дунё қалбига малҳам қўймоққа шошилади. Мен нима учун хаёлларда бир аср нарига кетдим? Чунки липиллаган керосин чироқ шуъласида болалик тонгини умидсиз кутган қизалоқ бугун юлдузлар шуъласида шуълаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири деган юксак Давлат мукофотида сазовор бўлиб турибди. Муҳтарам Президентимиз бошчилигида жаннатларга айланаётган, эсаётган насимлари беҳишт шамолларини эслатувчи, бутун дунё хайрат кўзи билан қараб, бир кўришга интизор бўлган Янги Ўзбекистонимда фахр ва шуқуҳ билан юрибди.

Янги Ўзбекистон — буюк Уйғонши, Учтинчи Ренессанс тарихга кирди. Ўтаётган кунлар салтанатида Ўзбекистон дунё томон юз бурди.

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ шоири



Сарҳадлар очилди. Очилди йўллар, Янада ёрқинроқ порлади офтоб. Она аллалари ҳаётга қайтди, Саҳро қумларига сингиди сароб.

7-6

ҒУРУР



Ғайрат МАЖИД

ВАТАН, МИЛЛАТ, МУҲАББАТ

Маним кўзим, қароғим,
Мангу яшил япроғим,
Миллион йиллик сабоғим,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Тўқсон икки бовли эл,
Ҳам ёрли, ҳам ёвли эл,
Ёвқур, жасур, довли эл,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Ичимда дард, армон бор,
Довул бордир, бўрон бор,
Туркистон бор, Турон бор,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Сўнмас шиддат, сурондир,
Енгилмас куч иймондир,
Амир Соҳибқирондир,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Озод бўлгин, қул бўлма,
Қовжираган гул бўлма,
Боши ҳам қиз, ул бўлма,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Ҳеч қуламас устунлар,
Яқдил бўлса будунлар,
Бўлинмайди бутунлар,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Маҳшаргача сўзим шу,
Ойдаё ёруғ юзим шу,
Маним борим, ўзим шу,
Ватан, миллат, муҳаббат.

Орим, шаъним, шонимсан,
Бобомерос қонимсан,
Ўзбекистон, жонимсан,
Ватан, миллат, муҳаббат.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТГА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ИНТЕГРАЦИЯ ФАЛСАФАСИНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон НЕЪМАТОВ шу йил 4-6 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Термиз мулоқотининг иккинчи йиғилиши арафасида “Дунё” АА саволларига жавоб берди.

1-6. Мулоқотнинг учинчи кунини Самарқандда бўлиб ўтади, унда делегатлар тарихан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилган Самарқанд Ренессансининг ноёб цивилизациявий мероси билан танишадилар.

— Иқтисодий ўсиш барқарорлик ва хавфсизлик билан қандай боғлиқ? Бу фақат бизнес ҳисоб-китобими ёки иқтисодий лойиҳалар ортида каттароқ нарса борми?

— Ҳа, албатта, бунинг замирида бундан-да улканроқ мақсадлар ётибди. Гап узоқ муддатли, стратегик умумий манфаатларни шакллантириш ҳақида кетмоқда. Йирик трансчегаравий лойиҳалар минтақаларни мустаҳкам бирлаштиришга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга хизмат қилади. Мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан биргаликдаги бунёдкорлик фаолиятига боғланганида, зиддиятга бориш барча томонлар учун манфаатсиз бўлиб қолади.

Бундан ташқари, айнан барқарор иқтисодий ўсиш аъъанавий равишда радикализм ва беқарорликнинг асосий ёқилғиси бўлган қашшоқлик, ишсизлик, аҳолининг маргиналлашуви каби вайронкор ҳодисаларнинг ижтимоий асосини бартараф этади. Иқтисодий тараққиёт — бу қаҳиратлиб ўқибатлари билан эмас, балки уларнинг тўб сабаблари билан курашишдир.

Масалан, Трансафғон темир йўл коридори (Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Найбобод-Харлочи) қурилиши лойиҳасини олайлик. Марказий Осиё мамлакатлари учун бу Ҳинд океани портларига энг қисқа чиқиш йўли бўлиб, логистика харажатларини 30-40 фоизга камайтиради. Покистон ва Жанубий Осиё учун бу минтақамиз ресурслари ва бозорларига тўридан-тўри киришдир. У иқтисодиётнинг турдош тармоқларини ривожлантириш учун кучли туртки бўлиб, янги иш ўринлари, бюджет даромадлари ва жадал технология ривожланиш йўлига кириш имконини беради. Бироқ энг асосийси — бу йўлак Афғонистонни тинч ва бунёдкор тараққиёт жараёнига интеграция қилади. Шу тариқа, Трансафғон магистралли шунчаки тижорий ёки муҳандислик лойиҳаси эмас, балки афғон заминда тинчлик ўрнатиш учун узоқ муддатли иқтисодий рағбатлар яратадиган юксак самарали тинчликпарвар воситадир. “CASA-1000” ёки “ТАР” газ қувури каби бошқа йирик трансчегаравий лойиҳалар ҳам айни шу тамойил асосида ишлайди. Уларнинг асосий қиймати шундаки, улар минтақада узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликни сақлашда барча томонларнинг ажралмас умумий манфаатларини шакллантиради.

— Умумий экотизим ва иқлим ўзгариши муаммолари кун тартибда қандай роль ўйнайди? Зеро, Марказий ва Жанубий Осиё экологик муаммолар туфайли улкан босим остида қолмоқда.

— Бу энг муҳим ва энг нозик масалалардан биридир. Айнан табиат ва умумий экологик тизимини минтақалар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳамда мавжуд таҳдидларга жамоавий жавоб бериш заруратини аққол намоён этади. Иқлим ўзгаришлари сув, озик-овқат ва энергетик хавфсизлик, транспорт ҳамда инсонлар ҳаёт фаолияти бир-бири билан нақадар чамбарчас боғланганини кўрсатмоқда. Помир ва Тянь-Шань музликларининг эриши Марказий ҳамда Жанубий Осиёда сув таъминоти ва қишлоқ хўжалигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Қурғоқчилик ва кескин об-ҳаво ҳодисалари барчамиз учун умумий сновдир. Шу боис бундай таҳдидларга фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали самарали жавоб қайтариш мумкин. Зеро, улар юз миллионлаб инсонларнинг ҳаётини манфаатлари ва барқарор тараққиёт истиқболларига бевосита дахлдордир.

Шу боис мулоқот кун тартибидан биргаликда мослашиш ва экологик барқарорликни таъминлаш масалалари ўрин олган. Ишончимиз комилки, самарали ечимлар миллий чора-тадбирлар билан яқаланиб қолиши мумкин эмас, улар трансчегаравий хусусиятга эга бўлиши керак. Биз бу борада фалол иш олиб бормоқдамиз. Хусусан, афғонистонлик ҳамкорларимиз Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё



томонидан ташкил этилаётган сув мулоқотининг доимий иштирокчилари ҳисобланади. Афғонистон делегациялари “Тошкент сув ҳафталиги”да, сув дипломатиясига оид анжуманларда ва бошқа минтақавий экологик форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Сув ресурсларини биргаликда бошқариш борасида ўзаро мақбул ва адолатли ечимларни доимий излаш ишлари давом этапти, зеро, табиат сиёсий чегараларни тан олмайди. Бугун биз потенциал зиддият манбаи бўлиши мумкин бўлган масалаларда ҳам, тўғри ёндашув билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун замин яратилаётганини кўриб турибмиз. Экологик таҳдидларнинг умумийлигини англаб етиш биргаликдаги бунёдкорлик фаолиятимизнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

— Ушбу кенг кўламли трансминтақавий тузилмада маданият ва гуманитар ўлчов қандай ўрин тутади? Улар қанчалик муҳим?

— Мен шундай жавоб берган бўлардим: бу бизнинг асосий, фундаментал йўналишимиздир. Биз суҳбатимизни иқтисодиёт, инфратузилма ва иқлимдан бошлаган бўлсак-да, маданий-гуманитар ўзаро боғлиқликни биринчи ўринга қўйиш кераклиги ишонаман. Иқтисодиёт ва логистика — бу скелет, аммо маданият ва умумий тарихий хотира — бу интеграцияимизнинг руҳи ва юраги.

Мамлакатларимиз муштарак маданий-тарихий ва цивилизация ривожланиш маконига эга эканини англаш муҳим. Биз ишонч кўриқларини шунчаки қўрмаймиз, бу пойдевор асрлар давомида шаклланиб келган. Термиз мулоқоти минг йиллар давомида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида цивилизациялараро алмашинув дарвозаси бўлиб хизмат қилган қадимий Термиз шаҳри шарофига номланган.

Бу заминда буюк империяларнинг тақдирлари ва давлатчилик аъъаналари ўзаро чамбарчас туташган. Сўғдиёна, қадимги Бақтрия ва Аҳамонийлар давлатидан бошланган ушбу тарихий жараён Шарқ ва эллин маданиятининг ноёб уйғунлиги шаклланган Юнон-Бақтрия подшолиги даврида янги босқичга кўтарилди. Кейинчалик Қушон империяси дунёга илк бор кенг қамровли минтақаларо интеграция намунасини тақдим этди ва Термизни Буюк ипак йўлининг муҳим тугунларидан бирига айлантди. Урта асрларда Турк хоқонликлари трансевросиё савдо йўллари хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилган бўлса, Ғазнавийлар сулоласи Мовароуннахрнинг юксак маданиятини Ҳиндистон текисликлари билан боғлаган қудратли давлатчилик кўпригини яратди. Ниҳоят, Темирийлар даври ҳамда Бобур асос солган Бобурийлар империяси ушбу цивилизация уйғунлигининг энг юксак чўққисига айланди. Самарқанд ва Бухоронинг бетакор мезморий аъъаналари Деҳли, Агра ва Лоҳурдаги улғувор мезморий мажмуаларда ўз аксини топди. Эски ўзбек, форс ва санскрит тиллари туташувида эса ягона маданий қатлам шаклланиб, унинг мусиқий ва шеърый аъъаналари бугунги кунда ҳам халқларимизнинг маънавий хотирасида яшаб келмоқда.

Ушбу макрохууд асрлар давомида жаҳон динларининг муқаддас чорраҳаси сифатида ривожланган.

Бақтрия зардуштийлик бешиги бўлган. Бу ердан Афғонистон орқали шимол ва шарққа буддавийлик тарқалган — Термиздаги Фаёзтепа ва Қоратепа будда монастирлари ҳозиргача ушбу маънавий кўприк хотирасини сақлаб келмоқда. Бу ерда несторианлик йўналишидаги христианлик, инсон ва табиат уйғунлигининг теран экологик фалсафасига эга бўлган тангричилик ҳамда, албатта, диний бағрикенгликнинг улғу меросини ўзига синдириб, Шарқ Ренессанси ҳодисасини юзага келтирган ислом дини тинч-тотув яшаб келган.

Буларнинг барчаси мутлақо ноёб ва ҳаётини маданий муҳитни шакллантирди. Бу мерос йўқолиб кетгани йўқ, аксинча, у бугунги кунда ҳам кундалик фаолиятимизда, тафаккуримизда ва аъъаналаримизда яшаб келмоқда. Бироқ бундай мерос ўз-ўзидан сақланиб қолмайди — уни доимий равишда қайта тиклаб, мазмундан тайиниб бориш зарур. Тарих — бу узлуксиз давом этадиган хотира ва тафаккур жараёнидир. Бизнинг энг муҳим вазифамиз эса ана шу буюк тарихий ҳақиқатни фаол жамоатчилик омига қайтаришдан иборат. Мен чуқур ишонаманки, мана шу муштаракликни англаш халқларимизнинг тинчлик ва барқарорликни асраш борасидаги ўзаро масъулиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

— Лекин нега бугун бу мерос унутилгандек туюлади?

— Афсуски, сўнгги бир ярим аср давомида бу тарихий хотира онгли равишда онимиздан ўчириб ташланди. Бизга сунъий равишда “Катта ўйин”нинг деструктив мустамлакачилик стереотипи тиқштирилди, минтақаларимиз абадий тарқоқлик, ташқи кучларнинг геосиёсий рақобати ва чексиз можароларга маҳкум эканлиги ҳақидаги ёлғон афсона синдирилди. Биз ҳамон кўп жиҳатдан ана шу зарарли стереотип таъсирида яшаб келмоқдамиз, Афғонистонни фақат таҳдид нуқтаи назаридан, Жанубий Осиёни эса узоқ, бегона ва хавфли деб қабул қилмоқдамиз.

Бироқ биз нурсиз вайроналар устида турганимиз йўқ. Умумий тарихимиз барҳаёт. Ушбу тарихий хотирани жонлантириш, чуқур экспертлар муҳокама-сини йўлга қўйиш, муштарак цивилизациявий буюклигини одамлар онига қайтариш — бугунги авлодлар ва сиёсий элиталар зиммасига юклатилган улкан тарихий масъулиятдир. Термиз мулоқотининг асосий, экзистенциал мақсадларидан бири ҳам айнан шунда.

Тошкент, Деҳли, Исломобод ёки Кобулдаги фуқаролар, зиёлилар ва етакчилар бир-бирларини шунчаки бизнес ҳамкорлари эмас, балки ягона маданий коднинг меросхўрлари сифатида аниқ кўра бошлаганлариде мутлақо бошқача даражадаги ишонч пайдо бўлади. Умумий меросга дахлдорлик туйғуси ташқи ўйинчиларнинг вазиятни ташқаридан силкитиш ва минтақавий зиддиятлардан фойдаланишга бўлган ҳар қандай уринишларига қарши энг ишончли ички қалқон бўлади. Тақдиримизнинг бўлинмаслигини англаш халқларни муқобилсиз бунёдкор кун тартибини танлашга ва урушлардан бутунлай воз кечишга мажбур қилади.

Термиз мулоқотининг Тошкент босқичи арафасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга тубдан бошқача, чуқур англаган интеграция фалсафасини тақлиф этаётгани аён бўлмоқда. Бу шунчаки темирийлар куриш ёки электр узатиш тармоқларини тортишга қаратилган муқобилсиз ёндашув эмас. Бу — жисмоний инфратузилма умумий тарихнинг мустаҳкам ва кўринмас ришталарининг моддий инфодаси, деган таълимотдир. Ана шу фундаментал масъулият ва дахлдорлик туйғуси шаклланса, савдо транзитлари, инвестициялар ва иқлим лойиҳалари ҳам табиий ва узлуксиз ишлай бошлайди, чунки иқтисодиёт ўзаро цивилизацияцион тортишунинг мантӣқий давомига айланади. Термиз мулоқоти Осиё халқларига ўз тарихини қайтариб, бу муқаддас заминда тинчлик ва барқарорликни сақлаш нима учун муҳим эканини ҳамда қандай буюк келажак йўлида бунинг зарурлигини ёдга солади.

“Дунё” АА.

ЎШЛАР МИНБАРИ

Қалб сўзим

Ҳар қайси одам ҳаётида беқиёс ўринга эга бўлган инсонлар бор: бири оқ сут бериб, меҳр билан парвариш этадиган она бўлса, бири бизнинг моддий ҳаётимиз ва мавжудлигимиз сабабчиси, ҳамisha суянчигимиз — отамиздир. Аммо менинг ҳаётимда яна шундай бир инсон ҳам борки, у нафақат менга илм берди, балки дунёдаги паст-баландликлардан қоқилмаслигим учун онамдек меҳрибон, отамдек суянчӣқ ва яқин сирдошимга айланди. Инсонлар ичра қалбимнинг маънавий чироғи ва буюк қалб эгаси — бу нур юзли устозим Ҳафиза Ҳикматовадир.

Яхши устоз жамиятга ва шогирдлар ҳаётига шундай таъсир кўрсатар экан. Устоз нафақат касбга, балки бутун борлиққа бўлган меҳрни уйғота олади. Дарсхонадаги биринчи учрашув ва мен топган энг буюк бахт — бу менинг меҳрибон устозим эканлигини йиллар ўтиб, янада теранроқ англаб бораётган.

Таълим ва тарбияни бир-бирдан айро тасаввур эта олганимиз каби ҳаётни ҳам мен муаллимларимизидроқ эта олмайман. Ўшанда 1-синф ўқувчиси эдим. Менга илиқ муносабат билдирган бу фариштални аёл бир кун келиб том маънодаги менинг энг азиз кишимга айланишини, ўқишим ва ҳар бир муваффақиятим учун жон куйдирувчи самимий инсоним бўлишини, йил сайин бу улғу устозга нисбатан тилларим эмас, қалбим гапиришини у қадар англамаган эканман. Устозимнинг ҳар бир ўғити вақт ўтган сари хиралашмайди, аксинча, янада тушунарли ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бир гал танаффус вақтида қандайдир ширинликми ё нонми еиб, синфхонага бораётганим. “Йўлда нон емоқ ёмон” деган сўз ўнг томонимда турган муаллимимдан келди. Ўша ондан то бугунга қадар шошилиб овқатлансам, ёки йўлда еб кетиш учун у-бу нарсга олсам, ё йўл давомида нимадир танаовул қилиб кетаётган одамни кўрсам, дарров устозимнинг гаплари хаёлимга келади. Баъзида оддий, тушунарли бўлган бундай ўғитлар ичида оламларга тенг маънолар бўлишини англаб эканман.

Йиллар ўтиб, ҳаёт пойдеворимга назар ташлаганимда, унда биринчи устозимнинг ўчмас изини кўраман. Йўл четидида оддийгина танбехдан тортиб, барчаси менинг бугунги шахсини шакллантирган бебаҳо сабоқлардир. Вақт бизни болалик дарсхонасидан бироклаштира-да, қалбимизда устозимиз қурган маънавий кўприк ҳеч қачон узилмайди.

Бизга фақатгина харф ўргатибгина қолмай, ҳаёт ва борлиқни севишни ўргатган азиз устозларим, бахтимизга доимо соғ бўлинг!

Шаҳризода ШАМСИДИНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг
журналистика ва ўзбек филологияси факультети
1-босқич талабаси.

Биргина салфетка-ку!

Ҳар қандай муаммони кўп гапириш билан эмас, унинг ечимига катта-ю кичикнинг саъй-ҳаракати билан барҳам бериш мумкин. Масалан, атроф-муҳитга, экологияга одамларнинг муносабатини олайлик. Ёшларни кўя турарлик, ҳатто катта ёшдаги инсонларнинг ҳам кўча-кўйда бемалол чиқиндиларни ташлаб кетаётгани, автоуловлари ойнасидан пластик идишларни ёки бошқа керакисиз нарсаларни улоқтиришга тикилиб қилиб бўлмайми?

Айтайлик, оддийгина нам салфеткани олайлик. Кун давомида нечта нам салфетка ишлатишинингизни ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз? Айтайлик, бир кунда одам ўртача 3 донга нам салфетка ишлатса, аёллар ундан ҳам кўп ишлатишади. Нам салфетка эса биологик парчаланмайди, яъни узоқ йиллар ерда ёки чиқинди ичида қолади. У чинкиди сифатида ёқилганда эса ўзидан бир қатор зарарли моддалар чиқарар экан. Тасаввур қилаямизми? Қанчалик оддий, лекин хавфли моддаларми? Энди ўйлаб кўринг, она сайёрамизда бир кунда миллиардлаб одамлар бундай салфеткалардан қанча фойдаланади? Уларни тартибсиз равишда кўчага ташлайди. Энг ёмони, айнан ана шундай нам сочичқалар хонадонлардаги оқова қувурларда тикилиб қолиб, жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳам сир эмас.

Яшил худудларнинг қамайиши, тирбандликларнинг кўпайиши, саноат ишларининг бетартиб амалга оширилаётгани ва транспорт воситаларининг кескин равишда ортиб бораётгани каби омилар ҳақида қанча кўп гапирилади. Куз чоғи ҳазонларни ёқамиз, бошқа пайтлар ҳам турли чиқиндиларни ёқиш одатий ҳолга айланган. Бу бронхит, астма, юрак-қон томир касалликларини кучайтириши сир эмас. Хўш, аҳолининг атроф-муҳитга муносабати шу йўсида давом этарваса, эртага нима бўлади? Бу ҳақда кўпчилик ўйламайди, лекин “экология бузилди кетяпти”, “шаҳарда нафас олиб бўлмаяпти” деганга ўхшаш нолишларни айтишдан чарчашмайди.

Дарахтларни ҳеч қимдан руҳсат олмасдан кесиб ташлаш ҳолатларининг қамаймаётгани эса жуда ачинарлидир. Демак, бу борада назоратни янада кучайтириш, қарши чора-тадбирларни янада кучлироқ қилиш керак. Қачонки битта дарахтни ноқонуний кесган одам жуда қаттиқ жазага тортилиши керак. Хуллас, ожиз фикримча, экология софлигини муҳофаза қилиш учун бутун жамият баробар ҳаракат қилиши шарт.

Маржонабону ТОҲИРЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Ёнимиздаги “бегоналар”

Тўғри, ҳозирги кунда телефонсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Ҳамма нарса телефон ичида: суҳбат, дарс, ўйин, расм ва ҳатто хотиралар ҳам. Телефон одамларни бир-бирига яқинлаштирди, лекин, очиги, баъзан одамларни ёлғиз ҳам қилиб қўйди.

Авалларни одамлар кўпроқ юзма-юз гаплашарди. Ҳозир эса бир хонада ўтирган инсонлар ҳам бир-бири билан эмас, телефони билан банд. Оила аъзолари кечқурун суҳбат қуриш ўрнига ижтимоий тармоқлардан кўз узмайди. Бу эса секин-аста одамлар орасидаги самимийликни емирмақда. Энг қизиғи, инсон интернетда юзлаб одам билан гаплашиши мумкин, лекин ҳақиқий ҳаётда ўзини ёлғиз ҳис қилади. Кўпчилик телефонни зериккандан эмас, сукутдан қочиш учун ушлайди. Чунки ҳозир жимликка чидайдиган одам қамайиб бормоқда.

Албатта, телефоннинг фойдаси ҳам жуда катта. У орқали билим олиш, яқинлар билан боғланиш ва вақтни тежаш мумкин. Аммо ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши-да.

Менимча, баъзан телефонни четга қўйиб, оддий суҳбат қилиш ҳам инсон учун керак. Чунки ҳеч қандай экран тирик инсоннинг меҳрини алмаштира олмайди.

Нилуфар ТОШМАТОВА,
Термиз давлат университети талабаси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

АНДИЖОНДА МЕДИА НАФАСИ

Буюк давлат ва жамоат арбоби, қомусий олим, бетакрор шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улугларни етказган юрт — Андижон яна бир бор билим ва тажриба алмашув майдонига айланди. Бу сафар Андижон замонавий медиа соҳаси вакиллари бирлаштирган “Медиахафталик” тадбирига мезбонлик қилмоқда. Тадбирнинг илк кунидаёқ 120 нафардан ортиқ журналист, блогер, матбуот котиби, контент яратувчи, тасвирчи ва медиа соҳаси вакиллари жам бўлиши ҳудудда касбий ривожланиш, янгиллик интилиш ва замонавий ахборот маконида фаол иштирок этишга бўлган қизиқиш нақадар юқори эканини намойён этмоқда.



Тахассисларнинг реал тажрибаси, синовдан ўтган ёндашувлари ва самарали ечимлари муҳокама қилинмоқда. Замонавий журналистика, рақамли коммуникациялар, контент стратегияси, аудитория билан ишлаш механизмлари ҳамда янги медиа форматлари бўйича фойдаланиш тавсиялари берилмоқда. Маашулотларнинг интерактив руҳда ташкил этилгани эса тадбирнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб турибди. Ҳар бир иштирокчи тингловчигина эмас, балки жараённинг фаол қатнашчисига айланиб, фикр билдириши, савол бериши ва амалий топшириқлар орқали ўз билимини синаб кўриши имкониятига эга бўлмоқда.

Медиахафталик давомида шаклланаётган янги гоёлар, креатив ташаббуслар ва профессионал алоқалар эртанги медиа маконининг ривожига хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бугунги ахборот асрида муваффақият калити фақат маълумот етказишда эмас, балки уни замон талабларига мос, тезкор ва сифатли тақдим этишда намоён бўлади.

Шу йилнинг 5 июнига қадар давом этадиган медиахафталик Андижон медиа олами учун нафақат ўқув майдони, балки янги имкониятлар, янги ҳамкорликлар ва янги марралар сари очилган навбатдаги ашиқ бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун бу майдонда тугилаётган гоёлар эртага мамлакат медиа маконининг янги қиёфасини шакллантириши мумкин.



Медиахафталикнинг асосий мақсади нафақат назарий билимларни бойитиш, балки амалий тажрибани ошириш, соҳа вакиллари янги медиа тенденциялари билан таништириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат. Шу боис дастурдан ўрин олган маҳорат дарслари, тренинглари ва тажриба алмашув сессиялари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Анжуман очилиш маросимидан сўнг бошланган амалий маашулотларда медиа маконида фаолият юритаётган му-

АКС САДО

ТЕСКАРИ ФИКРМИ ёки

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ?



“Hurriyat” газетаси саҳифаларини арақарар эканман, бир сарлавахқа диққатимни тортиди: “Газета ўқимайдиган... келажак” (“Hurriyat”, 2026 йил 20 май, №20 сон). Дафъатан одамни сергақ тортирадиган, бироз хаовитрига соладиган фикр. Ҳўш, Сиз келажакни газетасиз, босма нашрларсиз тасаввур қила оласизми? “Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!” дейишга шошиламыз, тўғрими?

Дарҳақиқат, бугунги кун одамдан бу ҳақда сўрасангиз, аксарият ҳолларда: “Замон ўзгарди, қўлимизда телефон бор-ку!” деган бир қопилдаги жавобни эшитасиз. Яхшиямки, телефон, интернет бор! Баҳонамиз тайёр. Агар ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмаганида, ахборотга бўлган эҳтиёжimizни қандай қондирардик?

Бирок масаланинг бошқа томонини ҳам ўйлаб кўриш керак. Виртуал оламнинг, яъни “ўргимчак тўри”нинг оммалашиб кетганини матбуотдан узоклашимизга ягона сабаб қилиб кўрсатиш қанчалик тўғри? Интернет — тезкор ахборот манбаи, бунинкор этиб бўлмайди. Аммо у бизга тайёр, чайналган, қўпинча юзаси ва тасдиқланмаган маълумотларни узатади. Бугунги ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг аксарияти узун матнларни ўқишга эриниб, фақат шов-шувли сарлавлар билан кифояланаётгани ҳам шундан бўлса керак.

Босма матбуот — газета ва журналлар эса инсонни фикрлашга, таҳлил қилишга, воқеаларнинг моҳиятини англашга ундайди. Демак, калаванинг учи интернетнинг ривожланганида эмас, балки жамиятимизда мутлоа маданиятининг сусайиб кетганлигида, десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Ҳаттоки индаллосини айтганда, матбуот ва интернет бир-бирини инкор этувчи эмас, балки тўлдирувчи воситалардир. Тезкорлик виртуал

оламда бўлса, теранлик ва таҳлил босма нашрда қолмоқда.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда мамлакатимизда газета-журналлар фаолиятига, айниқса, китобхонликни ривожлантиришга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг глобал талабларидан келиб чиқиб, миллий журналистикани ривожлантириш масаласини тез-тез кун тартибига қўймоқда. Давлатимиз раҳбари замонавий медиамақолада рақамли технологиялар ўрнини эътироф этган ҳолда, умумтараққиётда матбуотнинг, айниқса, босма адабиётларнинг ўрни беқеъис эканини алоҳида таъкидламоқда.

Ҳўнда юртимизда кенг қўлчой ёйган “Миллий китобхонлик ҳаракати” дастури фикримизнинг яққол исботидир. Бу каби эзгу ташаббуслар шунчаки тадбир эмас, балки халқимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, миллий ўзлигимиз ва менталитетимизни асраб-авайлаш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг мустаҳкам пойдеворини яратиш йўлидаги тарихий қадамдир.

Шундай экан, газета ўқимайдиган келажакдан кўриш эмас, балки ҳар бир хонадонга босма нашр ва китоб нуруни қайта олиб кириш ҳақида ўйлашимиз лозим. Зеро, китоб ва газета арақарар миллият ҳеч қачон мағлуб бўлмайди.

Карим НОРМАТОВ,
профессор.

“ДЎРМОН БАҲОРИ” ХАЛҚАРО АДАБИЙ МУЛОҚОТГА ЧОРЛАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган “Дўрмон баҳори” V халқаро адабий форумида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғистон ва Тожикистондан иждоқкорлар, таржимонлар ҳамда адабий нашрлар вакиллари иштирок этди.



Форум доирасида адабий ҳамкорликни ривожлантириш, бадиий таржима масалалари, тажриба алмашуви ва қардош халқлар адабий алоқаларини мустаҳкамлашга бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Бу йилги форумда Қозғистоннинг “Простор” нашри, Тожикистоннинг “Памир” журнали ҳамда Қирғистоннинг “Бишкек” алмандахи вакиллари қатнашиб, адабий нашрлар ўртасидаги ҳамкорлик ва таржима алмашуви масалаларини муҳокама қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар бадиий таржиманинг халқларни яқинлаштиришдаги ўрни, замонавий адабиёт ривожини ҳамда ёш иждоқкорларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Форум дастуридан адабий нашрлар тақдимотлари, маҳорат дарслари, иждоий учрашувлар, шerryат ва мусиқа кечалари, шунингдек, ёш каламкашлар учун семинар-тренинглари ўрин олди. “Дўрмон баҳори” халқаро адабий форуми иждоқкорлар, таржимонлар ва адабиётшунослар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, адабий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қардош халқлар адабий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

1-6

Баъзан битта ғалаба миллионлаб инсонларни бирлаштира олади. Қўчапарда байроқлар ҳилпирайди, машиналар сигнал чапайди, одамлар бир-бирини ҳудди байрамдек табриқлайди. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг “FIFA 2026” Жаҳон чемпионатида йўлланма олган куни ҳам айнан шундай унутилмас кунлардан бири бўлди. Менимча, бу оддий спорт ғалабаси эмас, балки бутун халқнинг йиллар давомида кутган орузи эди.



Терма жамоамизнинг АҚШга жўнаб кетаётганини кўриб, ичимда бошқача фаҳр пайдо бўлди. Чунки бу сафар биз мундиални оддий муҳлис сифатида эмас, иштирокчи давлат сифатида кузатамиз. Ўзбекистон байроғи жаҳон аренасида ҳилпирайди, мадҳиямиз янграйди.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ: ЯНГИ УМИДЛАРНИ УЙЎТДИ

ракет, ишонч ва ҳақиқий жамоавий руҳни кўрсата олди.

Мен ўша куни ижтимоий тармоқлардаги видеоларни кўриб, одамларнинг қувончини ҳис қилдим. Кимдир йилгади, кимдир байроқ кўтариб кўчага чиқди, яна кимдир шунчаки “ниҳоят!” деди қувончдан қалби хапқириб. Чунки бу натижа осонликча келмади. Бу йиллар давомида қилинган меҳнат, сабр ва ишончнинг самараси эди.

Бугунги терма жамоамиз аввалгилардан анча фарқ қилади деб ўйлайман. Ҳозир мамлакатимиз футбол жамоаси тарихида Европа футболда ўзини кўрсатаётган уйинчиларимиз бор. Элдор Шомуродовнинг тажрибаси, Абдуқодир Хусановнинг ишончли жўмаси, Абдусобир Фаизуллаевнинг техникаси қўллаб ёшларга, барча муҳлисларга умид, ишонч уйғотмоқда. Энг муҳими, футболчиларимиз кучли рақиблардан кўрқмай ўйнашни ўрганди.

Ҳозир қўллаб болалар “мен ҳам бир кун терма жамоада ўйнайман” деб маашулотларга қатнашяпти. Балки, келажакда янги юлдузлар айнан шу тарихий ғалабадан илҳом олар.

Бу эса ҳар бир ўзбек учун катта гурур. Албатта, олданда яна катта синовлар турибди. Мундиалда дунёнинг энг кучли терма жамоалари қатнашади. Балки айрим ўйинларда қийналаримиз, лекин энг муҳими — биз у ерга етиб бордик. Энди Ўзбекистон номи Жаҳон чемпиони тарихида ҳам ёзилади.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг “FIFA 2026” Жаҳон чемпионатида қиқизи тарихий натижа бўлди. Бу ғалаба ортида Президентимизнинг спорт соҳасига, хусусан, футболга кўрсатётган эътибори, ғамхўрлиги бош омил бўлди. Бу натижа ортида халқимизнинг ишончи ҳам турибди. Энг муҳими эса Ўзбекистон футболчилари бугун миллионлаб ёшларнинг, юртдошларимизнинг қалбида янги умидларни уйғотди.

Албатта, спортчиларимизга омад қилиб боради. Улар ёрқин ғалабаларни кўлга киритадилар. Янги Ўзбекистон номини бутун дунёга футбол болимиз орқали ҳам намоён эта оладилар!

Жавоҳир Жўрабоев,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ИЛМ-ФАН

МАЪРИФАТ ВА ҚАТЪИЯТ ЙЎЛИ

Фёдор Анатольевич Сукочев номи бугун жаҳон математикасида юксак ҳурмат билан тилга олинади. Ҳаёт йўли Тошкентдаги оддий мактабдан бошланган. 1962 йилда туғилган Фёдор Сукочев болалигидан аниқ фанларга қизиқди. А.П.Чехов номидаги 103-мактабда таҳсил олар экан, унинг математикага бўлган меҳрини устозлари янада кучайтирди. У мактабни олтин медал билан тамомлади. Ёш математик учун илк ютуқлардан бири эса 1979 йилда “Квант” журнали ўтказган Бутуниттифоқ танловида ғолиблар сафидан ўрин олиши бўлди. Бу нафақат иқтидорнинг, балки юксак фикрлаш маданияти ва меҳнатсеварликнинг ҳам белгиси эди.



Уша йилиёқ у Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг математика факультетига ўқишга кирди. Университет муҳити унинг илмий дунёқарашини шакллантирди. Кейинчалик у ўша даврни эслар экан, математика формулалар тўплами эмас, балки оламни англаш тили эканини айнан шу йилларда тушуниб етганини таъкидлайди. Университетни қизил диплом билан тамомлаган ёш олим илмий ва педагогик фаолиятини Ўзбекистонда бошлади. Беруний номидаги Политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети), Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва ТошДУдаги фаолияти унинг мустақил тадқиқотчи сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлди.

1994 йилдан унинг илмий йўли Австралия билан боғланди. Жанубий Австралидаги Флиндерс университетидagi фаолиятдан кейин у Сиднейдаги Янги Жанубий Уелс университетига тақилф этилди. Бу ерда у профессор унвонига сазовор бўлди. Кейинги йилларда Австралия Тадқиқот Кенгашининг йирик грантлари, Австралия Фанлар академияси аъзолиги унинг жаҳон

илм-фанидаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

Шунга қарамай, олим ўзининг илм йўлини Ўзбекистон билан боғлайди. У ҳар йили юртимизга келиб, университетлар ва Математика институтида маърузалар қилади, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот ўтказади. Унинг фикрича, Ўзбекистондаги математика мактабининг энг кучли томони — фундаментал билим ва қатъий фикрлаш маданиятидадир.

Фёдор Сукочев фаолият юритаётган йўналиш — нокоммутатив анализ — замонавий математиканинг энг мураккаб ва энг истикболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу йўналиш квант механикаси, квант ахборот назарияси ва сунъий интеллект каби соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Олим бунинкор оддий мисол билан тушунтиради: кундалик арифметикада амалларнинг ўрнини алмаштириш натижани ўзгартирмайди, аммо квант дунёсида тартиб ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Демак, нокоммутатив математика — бу тартиб, муносабат ва яширин қонунарни англаш илми.

Унинг қарашларида математика фақат олимлар учун эмас, балки бутун инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи куч сифатида намоён бўлган. Интернет, тиббий технологиялар, сунъий интеллект, банк тизимлари — буларнинг барчаси йиллар давомида яратилган фундаментал математик тадқиқотларга таянади. Шу маънода, олим назарий илми келажак технологияларнинг пойдевори деб ҳисоблайди.

Фёдор Сукочев ёшларга алоҳида умид билан қарайди. Унинг фикрича, ҳақиқий илм қийин саволлардан кўрқмасликдан бошланади. Математика едлаш эмас, тушуниш фани. Шунинг учун у талабаларга кўпроқ ўқишни, баҳс қилишни, савол беришни ва хатодан кўрқмасликни маслаҳат беради. Унингча, илм йўлида сабр, қизиқиш ва устозларга яқинлик инсонни юксалтирувчи асосий омиллардир.

Фёдор Сукочевнинг ҳаёти — илм чегара билмаслигининг ёрқин намунаси. Тошкентда шаклланган бир ёш математик жаҳон илм-фани чўққисига кўтарилди. Аммо у қайси мамлакатда яшамасин, ўз илмий илҳомининг манбаи сифатида Ўзбекистоннинг меҳр билан тилга олади.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА.



ИНСОН ТАҚДИРИ ХАЛ БЎЛАДИГАН МАВЗУ

ёки бугун суд ва журналистика уйғунлиги жамиятда адолат ва ишонч муҳитини қай даражада мустаҳкамламоқда?

1-6. Унда биргина нотўғри сўз инсон тақдирига, жамият фикрига ёки суднинг ҳолига таъсир қилган бўлиши мумкин. Айнан шу сабаб суд журналисти юқори ҳуқуқий саводхонликка эга бўлиши зарур. У жамият ва жазо тушунчаларини, суд процедураларини, айбонлик презумпцияси каби ҳуқуқий тамойилларни чуқур билиши керак. Чунки суд ҳукми чиқарилганда ҳеч қандай жиноятчи деб эътироф этилмайди. Аммо баъзи ҳолларда ижтимоий тармоқлар ёки айрим ОАВларда суд якунланмасдан туриб инсонларга “жиноятчи” тамғаси қўйилган журналистика этикаси ва қонунчиликка зид ҳолатларни юзага чиқармоқда. Суд журналистикасининг яна бир муҳим жиҳати — у жамиятдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиради. Одамлар кўпинча қонунни айнан суд жараёнлари орқали англайди. Масалан, коррупция, фирибгарлик, оилавий зўравонлик ёки кибержиноятлар буйича судлар ёритилганда фуқароларда ҳуқуқий тушунча ва огоҳлик пайдо бўлади. Демак, суд журналистикаси фақат ахборот берувчи эмас, балки тарбиявий вазифани ҳам бажаради.

Бироқ бу йўналишда муаммолар ҳам етарли. Айрим журналистларнинг сенсация ортидан қувши, инсон шаъни ва дахлсизлигини эътибордан четда қолдириши суд журналистикасининг моҳиятига зарар етказмоқда. Баъзан суд залидаги эмоциялар рейтинг учун воситага айланган. Ваҳоланки, суд — шоу эмас, инсон тақдирини ҳал бўладиган маскан.

Жамиятда суд тизимига нисбатан шубҳа билан қараш кайфиятнинг шаклланиши биргина омил билан боғлиқ эмас. Бунга тарихий қарашлар, ахборот муҳити ва айрим нотўғри таъкидлар сабаб бўлмоқда. Аввало, қўнчиллик онгида суд ҳануз “жазоловчи орган” сифатида тасаввур қилинади. Ҳолбуки, суднинг асосий вазифаси фақат жазо тайинлаш эмас, балки адолатни қарор

топтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва низоларни қонуний ҳал этишдан иборат. Яна бир муҳим сабаб — айрим блогерлар ёки ОАВ вакиллари суд жараёнларини етарли ҳуқуқий билим ва фактларсиз ёритишдир. Баъзан ҳали ҳукм чиқмасдан туриб инсон “жиноятчи” сифатида талқин қилинади, айрим ҳолатларда эса воқеанинг фақат бир томони оммага кўрсатилади. Текширилмаган, ҳиссиёт асосига қурилган ёки рейтинг ортидан қувшини кўзлаб тайёрланган материаллар эса жамоатчилик фикрини бирёқлама шакллантириб, судга нисбатан ишончсизликни кучайтиради. Бундан ташқари, суд жараёнларининг мураккаб ҳуқуқий тилда олиб борилиши, оддий фуқарога тушунарли изоҳларнинг камлиги ҳам одамларни турли тахмин ва гумонларга етаклайди. Айрим ҳолларда эса ижтимоий тармоқларда “халқ суди” шаклланиб, суд қароридан олдин жамоатчилик “ҳукми” чиқариб бўлинади. Натижада одамлар расмий суд қароридан кўра, интернетдаги талқинларга кўпроқ ишонадиган ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Демак, суд тизимига ишончни ошириш учун нафақат судларнинг очиклиги, балки маъсул ятти журналистика, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳолис ахборот муҳити ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам суд тизими билан ОАВ ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бугунги давр талаби бўлиб қолмоқда. Очқ судлар сонининг ортиси, матбуот хизматларининг фаол ишлаши ва журналистлар учун ҳуқуқий тренингларнинг ташкил этилиши бу йўналиш ривожига хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва Одил судлов академияси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ мавзуларини профессионал ёритишга ихтисослашган “Суд журналистикаси” курсининг ташкил этилгани ҳам бу йўналишда бўлган эътибор ортиб бораётганини кўрсатади. Мазкур курс орқали талаба-ёшларга суд тизими фаолияти, ҳуқуқий терминология, суд жараёни

ларини ҳолис ёритиш тамойиллари ҳамда журналист этикаси буйича амалий ва назарий билимлар берилади. Энг муҳими, бу ташаббус журналистикада янги ва маъсул ятти йўналиш шаклланиётганидан далолат беради. Яқин кунларда курс тизимларининг дастлабки босқичини тамомлаши суд журналистикаси буйича профессионал кадрлар тайёрлаш жараёни амалий босқичга ўтганидан далолат. Бу эса келажакда суд тизими фаолиятини чуқур таҳлил қила оладиган, ҳолис ва ҳуқуқий саводхон журналистлар сафи кенгайишига хизмат қилиши мумкин.

Таҳлил шунини кўрсатадики, суд журналистикаси демократик жамият учун зарур институтлардан биридир. Чунки матбуот бўлмаган суд тизими ёпиқ муҳитга айланади, судсиз журналистика эса факт ва ҳуқуқий асосдан узоқлашади. Уларнинг уйғунлиги эса жамиятда адолат ва ишонч муҳитини шакллантиради.

Суд журналистикасида журналист оддий ахборот етказибгина қолмай, катта маъсул ятти ўз зиммасига олади. Унда журналист нафақат воқеани ёритади, балки инсон ҳуқуқи, қонун устуворлиги ва жамият ишончи ўртасидаги нозик мувозанатни ҳам сақлайди. Шу боис суд журналистикаси профессионаллик, ҳолислик ва ҳуқуқий билим талаб қиладиган энг мураккаб, аммо энг зарур журналистика йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Таҳлил шунини кўрсатадики, бугунги кунда ҳуқуқий журналистиканинг аҳоли ҳавас қиладиган даражада эмас. Саводли, билимли ва суд-ҳуқуқ соҳасини мукамал биладиган, киёмига келтириб ёзадиган, телекўрсатувлар, лавҳалар тайёрлаш оладиган журналистлар жуда кам. Айтиш мумкин, бўлса, бармоқ билан санайдиган. Демак, бу борада жиддий уйлаб, муносиб кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиш шарт.

Фарангиз АБДУЕВА.

ФИКР

Омонат — маънавий масъулият

Инсоният тараққиёти давомида жамиятнинг барқарорлиги ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам бўлиши, аввало, ишонч тушунчасига таянган. Ана шу ишончнинг энг муҳим кўринишларидан бири омонатдир. Омонат нафақат муайян буюм ёки бойликни сақлаб туриш, балки инсоннинг маънавий қиёфаси, виждони, масъулияти ва ҳалоллигини белгилаб берувчи муҳим ахлоқий мезон ҳам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам омонат масаласи азалдан диний, фалсафий ва ҳуқуқий таълимотларда алоҳида ўрин тутган. Айниқса, Шарқ маънавиятида омонат инсон қимматларининг асосий белгиларидан бири сифатида қаралади.



Келади. Абу Али ибн Сино эса инсон ахлоқининг асосий белгиларидан бири сифатида виждон ва садоқатни кўрсатади. Бу фазилатлар эса омонатга вафодорлик орқали намоён бўлади. Ўзбек умумий адабиётида ҳам омонат мавзуси кенг ёритилган. Алишер Навоий асарларида инсоннинг ҳалоллиги, вафоси ва ишончга садоқати юксак қадрланган. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарига хиёнат ва ноҳалолликни жамиятнинг емирувчи иллат сифатида қоралайди. Унинг қарашларида омонат инсоннинг ички поклиги ва маънавий камолотини белгилайдиган мезон ҳисобланади.

Тарихда омонатга садоқат намунасини кўрсатган кўпгина шахслар мавжуд. Масалан, Соҳибқирон Амир Темури давлат бошқарувида ишонч ва масъулият масаласига алоҳида аҳамият берган. “Темур тузуқлари”да давлат мансабдорлари ҳалол, ишончли ва халқ манфаатига хизмат қилувчи шахслар бўлиши лозимлиги таъкидланган. Бу эса омонат тушунчасининг давлатчилик тамойилларида ҳам муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади.

Замонавий жамиятда ҳам омонат масаласи ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, ахборот технологиялари ривожланган, глобаллашув кучайган ҳозирги даврда ишонч ва масъулият бўлган эҳтиёж янада ортиб бораётган. Бугун инсонлар фақат моддий бойлик эмас, балки ахборот, шахсий маълумотлар ва ижтимоий ишонч ҳам бир-бирига омонат қилиб топширишмоқдалар. Масалан, банк тизими, тиббиёт, таълим ва давлат бошқаруви соҳаларидаги фаолият тўлиқ ишонч

тамоилига асосланади. Агар ушбу соҳаларда омонатга хиёнат қилинса, жамиятда ишонч инқирози юзага келади.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар фаолиятида ҳам омонат тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Журналистнинг ҳақиқатни ҳолис ёритиши, блогернинг жамоатчилик олдига масъулиятни ҳис қилиши бу ҳам маънавий омонатдир, аслида. Нотўғри ахборот тарқатиш, тўхмат ёки манипуляция эса омонатга хиёнат қилишнинг замонавий кўринишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ахборот маданияти ва медиаасовдонликни ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Оила институтини омонат тушунчаси муҳим ўрин тутди. Фарзанд — ота-она учун энг улуғ омонат. Уни тўғри тарбиялаш, илм бериш, маънавий етук инсон қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи. Шунингдек, эр-хотин муносабатларидаги садоқат, бир-бирига ҳурмат ва ишонч ҳам омонатга вафодорликнинг кўринишидир. Оилада омонат қадри сақланса, жамиятда ҳам маънавий муҳит мустаҳкам бўлади.

Бугунги ёш авлод тарбиясида омонат тушунчасини синдириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳалоллик, виждон, масъулият ва ишонч каби фазилатлар айнан омонатга муносабат орқали шаклланади. Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида ёшларда ушбу қадриятни мустаҳкамлаш келажак тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Минг афсуски, бугун омонатга хиёнат қилиш, ҳатто ўз яқинларини, дўстларини, ҳамкорларини алдаб кетиш ҳоллари жуда кўп учрайди. Бу оғир гуноҳ. Гуноҳнинг эрта-индин жавоби бўлади. У нафақат ҳуқуқий, балки диний томондан ҳам. Буни ҳар бир инсон қалбига синдириш муҳим вазифа, тарбиядир.

Ғиёсиддин АСРАНОВ,
Гуляраёва НАЗАРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари.

ТАДҚИҚОТ

Кутубхонам унчалик катта эмас. Бироқ берган зарур бўладиган ахборотларнинг барчаси ундан топилади. Ҳаётиман деса, ундаги китоблар кўшиқларимга ҳам етади. Бугун яна одатдагидек унинг оламини қиряпман. Китобларга кўз югуртира бошладим. Мана, манбашунос олим Абдусаттор Жуманазарнинг 2015 йилда “Академнашр” нашриётида чоп этилган “Машраб” номли китоби. У мумтоз адабиётимизнинг икки нафар забардаст вакили — оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ва Қашқадарёнинг Касби тумани Қашаши қишлоғида ҳаёт кечирган Машраби Соний (Иккинчи Машраб) номи билан машҳур Рўзобой охунд ҳаёти ва ижоди, “Мабада нур” асари муаллифлигига оид муаммоларга бағишланган. Бу китобда анчагина муҳим янги маълумотлар берилган, қизиқарли жиддий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Адабиёт ихлосмандлари бундан қарийб ўн беш йил аввал “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” жаҳондаги адабиёт босқини қизгин мунозара ва баҳсларни ёддан чиқармаган бўлсалар керак. Унда Абдусаттор Жуманазарнинг “Мабада нур” асарининг шу кунгача дарслик ва қўлланмаларда Бобораҳим Машрабга тегишли эканлигига эътироз билдирувчи туркум мақолалари эълон қилинган эди. Муаллиф чиқишларида бирламчи манбаларга таяниб, бу мўътабар асар Ҳофиз Рўзобой охунд Машраб қаламига мансуб эканини асослаб бергани ушбу қизгин мунозараларга сабаб бўлган эди.

Албатта, Абдусаттор Жуманазарнинг бу чиқишлари кўпчиликда қизиқтириш уйғотди. Шу билан биргаликда машрабшунос Абдулла Жаббор, Жалолиддин Юсулов каби олимлар бунга эътироз билдиришга ҳаракат қилиб кўришди. Бу борада изланишлар олиб борган Поён Равшанов ва Олим Равшановлар ҳам мазкур баҳсда иштирок этишганди.

Муаллифнинг таъкидлашча, қарийб бир асрдан буён бахсу мунозараларга сабаб бўлган “Мабада нур” масаласига илк бора рус тадқиқотчилари Н.С.Лидишин, В.Л.Вяткин, машҳур адабиётшунос ва адиб Абдурауф Фитрат, Озод Шарафиддин, Абдуқодир Ҳайитметовлар ҳам эътибор қаратган, аллома шоир Фағур Ғулмоннинг “Икки Машраб” мақоласи бу масалага ўқувчилар оmmasи қизиқшини янада кучайтирган. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди билан Порсо Шамсиев, Пулатжон Қанонов, Абдурашид Абдуғафуров, Воҳид Абдуллаев, Ис-

матулла Абдуллаев, Абдулла Носиров, Мухсин Зокиров каби таниқли олимлар ҳам узоқ йиллар давомида изланишлар олиб боришган. Фағур Ғулмон, Пулатжон Қанонов, Абдулла Носиров ва Мухсин Зокировлар эл орасида машҳур бўлган бу асарни Бобораҳим Машраб қаламига мансуб эмаслигини таъкидлашган. Аммо орадан йиллар ўтди, негандир бутун умрини машрабшуносликка бағишлаган Мухсин Зокиров ўз фикридан қайтгани ҳақида ёшлар газетасида мақола эълон қилади.

Шу орада яна Машрабнинг ижодидан наму-

Гуҳари қўзидин ниҳон умма дарэ эди,
Кони Соҳибзодадин чиққан дурру якто эди.

Шоирнинг биринчи устози мулла Ёрмуҳаммад исмли кўзи ожиз киши бўлган. Илмий тадқиқот ва адабиётларда бу шахс ҳақида дەرлик маълумотлар учрамайди. Унда Соҳибзода сўзи нимани аниқлатади? Тарихий манбаларда бир неча шахс шу ном билан аталган. Биринчиси Миён Фазл Аҳмад, иккинчиси унинг ўғли Миён Ғулмон Қодир Соҳибзодадир. Биринчиси Бухоро, иккинчиси Кўкун хонлигида фао-

“МАБДАИ НУР” АСАРИ МУАЛЛИФИ КИМ?

налар жамланган китоблар бир неча бор нашр этилди. Уларда “Мабада нур” ва “Кимё” асарлари, бир туркум шеърлар Бобораҳим Машрабники деб бот-бот тақдорланди.

Абдусаттор Жуманазар эсади: “Аввало, Германиянинг Герда Хенкел жамғармаси билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ходимлари ҳамкорлигида кўлэма асарлар электрон каталогини тузиш ишида “Мабада нур”, “Кимё” ва “Ғазалиётини эшон Машраб” каби шеърлар тўпламига дуч келиб, уларни аниқ ва батафсил таъкид қилиш зарурияти пайдо бўлди. Иккинчидан, “Муҷаддидийларнинг Бухоро хонлиги маърифий ҳаётида тутган ўрни” мавзусидаги тадқиқотда Рўзобой Машраб исмли шахс муҷаддидийлар сафидида чиқиб қолди”.

Хўш, Рўзобой Машраб ким бўлган? Аллома шоир Касбининг Қашаши қишлоғида тахминан 1785-1871 йилларда яшаб ўтган ва қабртоши ҳам сақланиб қолган.

Муаллиф “Дариф” радифили таркибидан ва “Олдимга кел” мухаммасини шоирнинг таржимаи ҳоли ҳамда “Мабада нур” асари ҳақида хабар берувчи илк ишончли манбалар деб ҳисоблайди. Айниқса, “Дариф” таркибиданнинг икки бандида Рўзобой Машраб ҳаётининг айрим қирралари қисқа ва лўнда баён этилганга эътибор қаратади.

Бор эди бир шайх, гўё ул манё маъло эди,
Исми поки Ёрмуҳаммад, соҳиби тақво эди.

лият олиб борган муҷаддидий шайхлардир. Улардан давом этган авлодларнинг айримларига “соҳибзода” сўзи қўшиб айтилган. Амир Шохмурод Бухоро тахтига ўтиргач, у бош пир ўрнини эгаллайди. Миён Фазл Аҳмад жуда кўп сўфийларга устозлик қилган, шеърини қадрлаган ва ўзи ҳам асарлар ёзган. Мулла Ёрмуҳаммад худди шу устозидан тарихат илминини ўрганади ва устозининг кўрсатмаси билан Қаршида фаолият олиб боради. Рўзобой Машраб дастлаб шу кишидан 1790-1800 йилларда тарихат сабоғи олган бўлса, 1800-1801 йилларда Қаршига унинг иккинчи устози Абдураҳмон ан-Насафий кўчиб келади. Рўзобой Машраб ундан тарихат илминини ўрганган пайтларда 30-35 ёшларда бўлган.

Муаллиф яна эсади: “Асар Бобораҳим Машрабга тегишли дейишимиз учун унда Наманган, Андижон, Марғилон, Уш, Қошғар, Ғулжа, Хўтан, Бадахшон каби юртлар ва у ерларда яшаб ўтган азиз-авлиёлар оламини кўришимиз лозим эди. Лекин улар учрамади. Аммо асарда Насафнинг Патрон қишлоғида Хожа Шарафиддин ва Касби, Фазли томонда яшаган Хожа Шариф исмли тарихий шахслар номи зикр этилган. Шунингдек, Хожа Размоз номи зиёратгоҳ эса Ғузордан 14 қақирим узоқликда жойлашган”.

Бундан ташқари, “Мабада нур” асарида учрайдиган шевага оид сўзларнинг Қарши, Ғузор, Шахрисабз, Китоб шаҳарларида яшовчи аҳолининг тилига яқинлигига эътибор қаратган.

Шунингдек, ҳажми 18 Ҳарақли, №12318/8-рақамли “Рисолои мансубаи девони Машраб” номли янги топишган кўлэмада унинг тугатган санаси солиштирилганда Рўзобой Машрабга тўғри келишини аниқлаш билан бирга ўқувчи: “Бобораҳим Машраб XIX асрда нима қилиб юрибди?” деган саволни беради.

Муаллиф Рўзобой охунд қаламига мансуб бўлган Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган кўлэма мавзусида рўйхати ва шоирнинг “Иккинчи Машраб” номи билан “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1902 йил 1 февраль

сонидега босилган сўзбоши билан эълон қилинган “Дариф” тарихибандини излаб топгани таҳсинга лойиқдир.

Китоб: “Кичкина бир тавсиф тарихи якунига етди. Қўриб чиқилган матнлар ҳамда улардаги маълумотларга асосланиб тузилаётган электрон каталог тавсифидаги биргина “Муаллиф: ...” бандига “Ҳофиз Рўзобой Машраб” деб ёзишга мажбур бўлдим”, сатрлари билан якунланади.

Асар охирида муаллиф фойдаланган 200 дан ортиқ манба, илмий адабиёт ва тадқиқотлар, лугат ва каталоглар рўйхати илова қилинган.

Хуллас, китобни мутолаа қилган ўқувчи мумтоз адабиётимизда жўшқин шеърини билан ўчмас из қолдирган Бобораҳим Машраб ижоди, у яшаган давр, устозлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш билан бирга улғур шоир қаламига мансуб деб келинган “Мабада нур”, “Кимё” каби асарларнинг уники бўлмаганини, “Машраби Соний” номини олган яна бир улкан шоир — Рўзобой Машраб ҳам борлигини билиб олади.

Шу ўринда яна бир мушоҳада: хануз мактаб ва олий ўқув юртлари ўқувчилари ва талабалари учун минглаб нуҳсада чоп қилинаётган адабиёт дарсликларидега юқорида номи зикр этилаётган асарларнинг муаллифи Бобораҳим Машраб деб кўрсатилаётгани ажабланарлиқдир. Абдусаттор Жуманазар мазкур соҳага олиб кирган янгиликлардан юртимиз мактаб-

ларидаги барча адабиёт муаллимлари хабардорми? Нега бугун бу маълумотларга деярли эътибор қаратилмапти? Дарсликларда ҳамон эски ҳаммом, эски тоғора!

Ҳозир Абдусаттор Жуманазарнинг кишини ўзига тортувчи оппоқ жилди “Машраб” китобини варақлаб, шу каби фикрлар яна кўнглимдан кеча бошлади. Бу айтганларимни илгари ҳам вараққа туширдим. Яқинда “Жаҳид” газетасида (2026 йил 24 апрель) педагогика фанлари доктори, машрабшунос Мўмин Ҳошимов ва Иқбол Мирзаалиевнинг “Ҳар кимки Машрабга етибдур...” номли суҳбатини ўқигандим. Унда: “Машраб туғилиб ўсган она шахри Намангандан чиқиб, жуда кўп вақтлар ва мамлакатларга, Яқин Шарқ давлатларига, Европа, Осиё, Африка қитъаларига саёҳатда бўлади. Шеърини қадрлаб мамлакатлар халқларини баҳраманд этди”, каби сатрлар ҳам бор. Бу маълумотлар илгаридан кўп-кўп тақдорланади. Бироқ уларнинг ҳақиқатан ҳам бўлганини ҳеч бир тадқиқотчи ҳозиргача бирламчи манбалар асосида ишончли илмий далиллар билан кўрсатиб бермаган. Шахсан мен Бобораҳим Машрабнинг Африка ва Европада бўлганини сира кўз олдими келтира олмаган. Тадқиқотчи жаноблар, бундай ахборотларни ўқувчиларга тақдим этаётганда, илтимос, ёнда тўлиқ бирламчи ёзма манбалар матнлари билан бирга беринг! Ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирманг.

Шу сатрларни эндигина ёзиб тугатганимда, ижодкор дўстлардан бири “Маънавий ҳаёт” журналининг янги сонини (2026 йил, №1) юборди. Қарасам, унда Абдусаттор Жуманазарнинг “Машраб мозаикаси” номли мақоласи чоп қилинибди. Бирдан ўқийша қиришиб кетдим...

Мақола ўқувчининг Бобораҳим Машраб ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборди. Мақола энг қизгин жойига келганда бирдан тўхтатилган. Хайрият, муаллиф унинг давоми борлигини айтиб, ўқувчи кўнглига бироқ таскин беради.

Демак, “Мабада нур” ва “Кимё” асарларининг ҳақиқий муаллифи ҳақида ўйлаётганларим беҳуда эмас экан. “Машраб мозаикаси”га доир фикрларимизни биз ҳам кейинги мақолага қолдирамиз. Назаримизда, сукукли ва дарвеш шоир Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишда бир ўзгача янги давр бошланаётган. Уни энди тўхтатиб бўлмайди... Барибир, сизга шу саволни қолдираман: “Мабада нур” асари кимники?

Ўрғулбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

УМР ИБРАТИ

ВАҚТГА ДАРЗА СОЛГАН ИЖОДКОР

ёхуд устоз Матназар АБДУЛҲАКИМни эслаб



Матназар Абдулҳақим 1948 йилнинг 20 февралда Урганч туманидаги Қоровул қишлоғи (айнан ҳозирги Урганч давлат университети жойлашган ерда Абдулҳақим бобонинг уйи бўлган)да туғилган. 1972 йилда Таганрог давлат педагогика институтини (Россия)ни тамомлаган. Шундан сўнг Урганч туман газетасида бўлим мудири, қишлоқ мактабда ўқитувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи, Хоразм Маъмун академиясида илмий ходим бўлиб ишлади.

Адибнинг “Тиник тонгла”, “Фасллар кўшиғи”, “Қор кўшиғи”, “Мавж”, “Энимдаги дарёлар”, “Қорачиқдаги дунё”, “Ойдинлик”, “Бир кучоқ гул”, “Ёлғиз япроқ” каби шеър, “Иймон тўқмаси”, “Ялдони ёритган нур”, “Иккинчи муаллим сабоқлари” каби илмий ҳамда Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Мажириддин Бағдодий, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедилдан таржима, “Жавзо ташрифи”, “Азизлар анжумани” китоблари нашрдан чиққан.

Дарҳақиқат, ҳар бир машҳур инсон ўзига хос феноменга эга бўлади. Қайсидир санъаткорни учинчи дарёга, яна кимларнидир воҳанинг юксак тоғларига менгашади. Гарчи улар ҳақ бўлсалар-да, ҳали ҳеч қандай ҳассос шоир ва таржимон Матназар Абдулҳақимга муносиб таъриф беролган эмас. Негаки, Хоразмнинг донишмандлик тимсолига айланиб яшаб ўтган бу мўътабар инсон номи таъриф-у тавсифларга сиймайди.

Муҳаммадризо Огаҳий ҳазратларидан сўнг Хоразм адабий муҳитида энг кўп ва ҳўп ижод қилиш бахтига мушарраф бўлган Матназар Абдулҳақимнинг оддий шеърларидан тортиб, адабий-илмий тадқиқотларига ҳам қўл уришган эди. У кўпчилигининг наздида ўз замонасининг энг етуқ олим сингари тасаввур уйғотди.

Устозга донишмандлик отаси Абдулҳақим бободан ўтган бўлса, ажаб эмас. Чунки у ўз даврининг маърифатли инсон бўлган. Ўз даврида мадраса таълимини тамомлаган ва бир қанча муддат муҳаррир бўлиб фаолият юритган ҳалол, тўғрисуз ва имон-эътиқодли Абдулҳақим бобо шўро, Порлоқ, Отамаҳсум Партов, Матюсуф Харратов — Чоқор каби таниқли шоир ва санъаткорлар билан яқин дўст-қадрдон бўлган. Тез-тез ўтказилган китобхонлик, шеърхонлик кечалари ёш Матназарнинг зуваласи пишк, зуқо ва билимли бўлиб камолга етишига омил бўлди.

Матназар Абдулҳақим болалигидан шеърлар машқ қилди. Унинг машқлари Урганч туман газетасида мунтазам эълон қилиниб турарди. Урта мактабни битказиб, Хоразм педагогика институтини (ҳозирги УРДУ)га ҳужжат топширди, лекин шу йил ўқишга киролмади. У пайтлар таниш-билишчилик, пора олд-бердиси авж олган вақтлар эди. Табиқий, шоирнинг отаси мулла Абдулҳақим ўта диънатли киши бўлиб, ўғлини қинғир йўл билан ўқишга киритмасди, албатта. Шунда туман газетаси муҳаррири Қодир Матжонов унга Россияга бориб ўқишни маслаҳат беради. У эса рус тилини яқин билмаслигини ва у ерда қийналиб қолишини айтади. Қодир ота: “Сен сабаҳатга эмас, илм ўрганишга кетасан, шу аснода рус тилини ҳам ўргансан”, дея жиддий гапирди. Шундан сўнг у Таганрог шаҳридаги педагогика институтидан келган қабул комиссиясига ўз ҳужжатларини топширади ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга жўнаб кетади.

Таганрогда Матназар Абдулҳақим нафақат ёш шоир, балки бир қанча спорт мусобақалари ғолиби, I-даражали самбо-куррашчиси сифатида танилди. Биринчи босқичда ўқиб юрган кезларида ҳамюрт қизларга IV босқичда ўқийётган Дибир деган догистонлик йигит ва унинг жўралари тегажўқлик қилиб қолади. Ўзбек қизларининг шаъмини ҳимоя қилиб, талаба Матназар Абдулҳақимни уларга қаттиқроқ танбёҳ беради. Боя эслатганимдек, у самбо бўйича яқини кураши бўлганлиги боис, ҳамюртларимизнинг суҳани тоғи эди.

Баҳсининг охири яхшилик билан тугайди. Бунга Матназар аканинг биллаки эмас, кўпроқ ақл кучини ишга солганлиги сабаб бўлади. У догистонлик йигитларни ўзининг тасвирчан, аммо аччиқ ҳақиқат бўлган сўзлари билан мағлуб қийди. Кейин маълум бўлишича, догистонлик йигитлар, айниқса, Дибир шеърининг жуда қизиқар экан. Улар хоразмлик камтар, аммо гурури талаба йигит билан дўстлашиб олишга, Расул Ҳамзатов шеърини борасида узоқ гурунлар қилишади. Улар олий дароғхони тамомлаб кетишган ҳам Ўзбекистонлик жўмард дўстидан хабар олгани ётоқхонага келиб, дилдан отамлашиб кетишарди.

Олий ўқув юртини тамомлагач, Матназар Абдулҳақим Урганч туман газетасида, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик юқорида айтилганидек, Ёзувчилар уюشمаси Хоразм вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи бўлиб узоқ йиллар фаолият юритди. Бу давр йиқинкор учун жуда сермаҳсул кечди. Бу даврларда у таржимонлик билан жиддий шуғулланди. Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мажириддин Бағдодий, Абулвафо Хоразмийлар қатори Мунис, Комил Хоразмий, Рोजий ва Огаҳийнинг форсий тилда битилган ғазалларини ўзбек тилига ўғирди. Айниқса, олимлик иқтидорини билан Паҳлавон Маҳмуд ва Нажмиддин Кубронинг адабий меросини илмий тадқиқ қилгани ва бу борадаги изланишларини “Мангулик жамоли” номи билан тўплам қилиб, ўқувчиларга тўхфа қилгани катта янгилик бўлди.

Дарвоқе, хоразмликлар Паҳлавон Маҳмуд ва Нажмиддин Кубро ҳазратларини улуғ авлиё, муршиди комил сифатида тилга олишарди, лекин уларнинг маънавий меросидан етарли даражада воқиф бўлишмаган. Бу эса жуда ачинарли холат бўлган. Маҳоратли таржимон сифатида устознинг бу икки улуғ сиймонинг асарларини ўзбек тилига ўғириб, халққа тақдим қилиши ва уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қатор мақолалар эълон қилиши, радио ва телевидениеларда кўплаб чиқишлар қилишида

катта бир фидойилик намунаси мужассам эди, десак, янглишмаймиз.

...Бир замонлар Урганчнинг Тинчлик кўчасидаги 1-уй (ҳозирги Урганч ахборот технологиялари касбхўна коллежи ўрнида) ёшлар учун табаррук гўша саналарди. Чорраҳада мункалган бу мўъжаз бинода турли хил идоралар жойлашган бўлиб, унинг пастки икки хонасида Ёзувчилар уюشمасининг вилоят бўлими фаолият кўрсатарди. Бу ерда Матназар Абдулҳақим узоқ йиллар адабий маслаҳатчи бўлиб ишлар экан, кўнглида истеъдоди учқунлиб, озми-кўпми шеър қораланиб бошлаган ёшларга катта кўмаклар берди. Олис Гурлан, Богот, Ҳазорасп, Қўшқўпир, ҳатто Қорақалпоғистон ва Туркменистонда яшаб, ёзиб, изланаётган қаламкашлар Матназар Абдулҳақимга кўл бериб келишарди. Матназар ака улардан сира ёрдамини аямасди.

Матназар Абдулҳақим Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлимида ишлар экан, Рўзимбой Ҳасан, Шўхрат Маткарим, Саломат Вафо, Баҳром Рўзимбаев, Рустам Назар, Гўзал Бегим, Гавҳар Ибодулҳаева, Болтабой Бекматов, Жозиба, Даврон Ражаб ва Умид Бекмуҳаммад каби ўнлаб ёш истеъдод эгаларининг шаклланишида муносиб ҳисса қўшди ҳамда уларнинг ўз йўлини топиб олишида маънавий раҳнамолик қилди.

Истиқлол йилларида шоирнинг ижодий меҳнатлари муносиб равишда улуғланди. 1998 йилда Матназар Абдулҳақим “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланди. Чунки, 2000 йилда ўтказилган “Офарин” танловидан “Йилнинг энг яхши шоири” деб топилди. Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ушбу нуфузли мукофотни топширар экан, Матназар Абдулҳақимга “Навий йўлида ижод қилаётган катта шоир” деб таъриф беради. Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов эса “Матназар Абдулҳақимни эслаб...” тўпламида қуйидагиларни ёзганди:

“Хоразмда китобхонлар билан бир учрашувда Матназар Абдулҳақим ҳам шеърларидан ўқиди. Ундан яна шеър ўқишни сўрадик. Чунки унинг шеърларида ҳам илоҳий китобини Қўрьонда талаб қилганидек “ҳикмат” уфуриб турар эди. Мен шунда давра ахлига қараб: “Биродарлар, биз Беруний ҳазратлари таваллуд топан заминда турибмиз. Аллома даҳосининг қудратидан ҳаммаимиз ҳам баҳоли қудрат хабардормиз. Бироқ мен шу дақиқаларда бир фикрни ўйлаб қолдим: “Шунчаки шамойилда ҳам, фикр-фалсафада ҳам айнаш шу ёшда, балки Абу Райҳон ҳам Матназар каби бўлгандир”, дегандим. Бу ўхшатишдан ҳамма юртдошлари ифтихор қилишди, холос.

Орадан йиллар ўтиб, Матназар Абдулҳақим муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида илмий ходим сифатида иш бошлади. Маънавиятимиз тарихига аталган қатор мақола-тадқиқотлар эди.

Айтиш мумкинки, уларнинг даражасига манаман деган...шўносларнинг нафаси етмас эди. Матназар Абдулҳақимнинг сайланма шеърлар китобини ўқиб чиққан, унинг поэзияси ҳақида нимадир ёзгим келди. Бироқ кўз олдимда Матназарнинг донишманд нигоҳи турар, нимаки ёсанг ҳам унга муносиб бўлмоғи шартдек кўринар эди...”

Ҳақиқатан ҳам Матназар Абдулҳақим сийрати ва сувратида миллатимизнинг улуғ намоёндалари қиёфасини, заковатини, фидойилик ва донишмандлигини кўрар эдик.

— Матназар оға ШОИР эдилар. Матназар оға ИН-СОН эдилар. Таассуфки, бу икки сифатлашни ўзида жамлаган ижодкорларни кам учратамиз, — дея хотирлади таниқли адиб Рўзимбой Ҳасан.

— Матназар камгап эди. Ҳатто Эллиққалъадаги машҳур шеърят байрамларида ҳам уртага гап қўшмасдан, фақат ҳазилга ҳазил билан жавоб берибгина қўярди. У камроқ билиб, кўпроқ гапирганларни ёқтирмасди. Шоирлар давраси ёки китобхонлар билан учрашувларда ҳам ўздан-ўзи зерикмасдан жим ўтирганларини кўрганман. Унга сўз берилганида ҳам ўзига хос босиқ овози билан маънодор гапирарди-ю, шеър ўқиганда эса очилиб кетарди. У насрда Матназар, назмда шоир эди. Унинг матназарчасига ўйноқи, туюдан тушгандек салмоқли сатрлари ўйлантириб қўярди, куйдириб суйдиради, йилғлатиб кўлдирарди. Айтган эртаги назмий фалсафанинг номантиқ ҳулосаси янглиғ...

“Мен бу дунёга нимага келганини билмасдан кетганларнинг кўпини кўрганман. Лекин Матназар бекорга келмади, у шоирлик оламида Матназар дунёсини яратиб кетди” деганида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Урозбой Абдураҳмонов юз қарра ҳақ эди.

— Сўхбатларида бўлган чоғларимиз ва ёки тасодифан, йўл-йўлақай, икки оғиз салом-алиқ қилинганда ҳам у кишининг саховатли, содиқ ва соф қалб эгаси эканлигига қайта-қайта имон келтирар эдик. Барча улкан қалб соҳиблари каби Матназар ака ҳам ноҳақлик, кин ва адоват, бахиллик олдида доим ожиз эди. Ҳеч қачон кимдир унга бахиллик қилиши ёки “орқадан пичоқ уришини” кутмасди. Аммо ҳаёт экан, ҳатто Матназар Абдулҳақимдай инсонларга ҳам бахиллик қилувчи, кўрқолмайдиган ва ўз ожизликларини ғийбат ва бўҳтонлари билан никоблагша, энг ёмони, ул зотга озор бериб, бундан хузурланувчилар ҳам топилиб қоларди. Бундай пайтлари устоз жиддий хафа бўлар, “менинг буларга ҳеч гайирлигим йўқ, булар нега бунча тубанликка борадилар?” деб оғринардилар. Зеро бу кишининг шеър, адабиёт, илҳомдан бошқа “даврон”и йўқ эди, — дея илиқ хотиралар билан ўртоқлашади ёзувчи Шўхрат Маткарим.

Камина ҳам Матназар Абдулҳақимдек улуғ устоз билан мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ танишганман. Ул зотни бировини ғийбат қилмайдиган одам эди, деб эслашади яқин дўстлари.

Устоз “Хоразм ёшлари” газетаси тахририятига тез-тез қадам ранжида қилар ва адабий гурунглари бошлар эди. Кўнгли очик ҳамкасбларимиз устозни очик чеҳра билан кутиб олар ва хуштаъм чойларни дамлаб беришарди.

Биз шундай хушқайфият улашувчи сўхбат-анжуманларга бой кўнларни кутиб яшагча одатланиб қолдик.

Умрининг кейинги беш-олти йили ичида Матназар ака баъзан гурун қилаётиб жуда муҳим гапни айтса, менга қараб: “Сен бун эслаб қол”, дер эди. Хотирам панд беришдан кўриб, муҳим гапларни уйга бориб ёндафтаримга қайд қилиб қўярдим. Гоҳида устоз насихатгўйлик ҳам қиларди. “Хоразм ёшлари” газетасининг қайсидир сонидан имло хато кетганини кўриб: “Туянинг каттаси кўприқда калтак ейди. Ишинга масъулиятли бўл”, деган эди. “Инсон ростгўй бўлиши керак. Агар ростгўй бўлиш қўлдан келмаса... жим туришга одатлансин”, деган ҳикматли ҳам айттарди. Яна бир гурунларида чақимчилик ёмон иллат экани борасида гапирди: “Чақимчилик — хорлик келтиради. Бу ҳақда ҳадисларда ҳам айтилган. Чақимчи одам яхшиларнинг умрига зомин бўлади. Оқибатда халқ уни қарғишларга кўмади. Қарғиш — баддуо. У ҳам ижобат бўлиши мумкин”.

Одатда, устоз нордон тазмолик конфет билан чой ичарди. Бир кўни бисотимизда ўшандай конфет топилмади. Гулжон деган ходимамиз дарҳол паства — 1-қаватда жойлашган буфетга тушди. Афсуски, бу ерда ҳам бундай конфет йўқ экан. У хижолат тортиб қайтиб келди. Матназар ака: “Дарвоқе, Шержонбойнинг совғаси бор эди...” деганча тўрвасини қовлаштира бошлади ва бир тугунчани очди. Ичида ўрик туршаги бор экан. “Хива тонги” газетаси муҳаррири Шержон Машарипов бериб юборган экан. Устоз туршак шимиб чой ичди.

Қайтишга тараддулланганида тугунни тугиб, тўрвасига солмоқчи бўлдик. “Хали бу ерда қанча туршак шимиб чой ичамиз”, деди ва ўрик қоқини бизга қолдириб кетди.

Ҳақиқатан ҳам устоз ишхонамизда кўп чой ичди. Ул зотнинг туршакни яқши кўришини билган дўстларимиз ҳам қишлоғидан туршак олиб келиб қўйишди. Матназар ака келганида дарров тортмадан уни олиб, сийлашга тушишарди.

Матназар ака вафот этгач, узоқ вақт чойнак-пиёла турган тортмани очолмасдан юрдик. Чунки у ерда унга аталган тугал насиб қилмаган ризқ бор эди.

Бир кўни тортмани очишга журъат қилдик. У ерда устознинг муборак даҳанлари теккан бир ҳовуч данак ва туршаклар турарди. Данақларни ташлаб юборай десак, табаррук бир инсоннинг муборак даҳанлари теккан, тўрваси... ҳар хил зараркунандалар емишига айланиши мумкин. Бу ҳолдан воқиф бўлган “Хоразм ҳақиқати” газетаси муҳбири Феруза Тангрибергенова данақларни экишини маслаҳат беради. Бу фикр жуда маъқул келди. Устоздан қолган бир ҳовуч ўрик данақлари! 2010 йилнинг декабрь ойида уни тупроққа қададим. Ҳозир уйим атрофи ўрикзор. Булар “Матназар Абдулҳақим ўриклари” дея фахрлиниб ўтираман.

Ҳа, устоздан бир олам хотирлар қолди. Ёзиб, айтиб адо қилиш қийин. Ижоди янглиғ бу хотиралар ҳам асрлар билан бўйлашиб яшагича ишонаман.

Болагимда Амударё тез-тез тушимга кирар эди. Эҳтимол, бу тез-тез тақорлонадиган бир одатимиз туйфайли ҳам шундай бўлгандир. Ўша давр оdatига кўра ҳар кўни вақтинги томга чиқиб, шимол томонга қараб аниқлар эдик. Масалан: чошгоҳ 8:00 ларда уйимиз томига чиқиб, шимол томонга қарасак, уч-тўрт чақирим наридан ажабтовур нур, шуъла жилвалана бошларди. Соат 10:00 га тўраюлганда эса нур бир оқим бўлиб тошиб, бу тарафга келаётганга менгизди. Одатда, маҳалламиз болалари вақтинги ана шу шуълалар тутамаги — нурлар оқимига қараб аниқлардик.

Сизга мубҳам бўлмаслиги учун айтиб ўтишим жоиз, бу ёғду, аслида, Амударёга тушган офтоб нурлари акси бўлиб, кеч кузакда сувлар тиниқлашганидан то жавзогача қуюқлашарди. Мактабга бориш, ота-оналаримизнинг ишдан қайтишини ана шу дарё соати орқали аниқлар эдик.

Дарё соати! Бетакор шоир ва таржимон, фидойи тадқиқотчи олим, меҳрибон устоз, беназир дўст Матназар Абдулҳақимни ана шу дарё соатига мензалим келади. У Хоразм адабий муҳитининг об-ҳавоси: мавжи, жўшқинлигини танитиб турарди. Бу жўшқинликка унинг ўзи ларза солди. Бу ларза, бу мавж асрлар оша давом этишига ишонаман.

Эрўлат БАХТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

ХОРИЖ

ҚУРБОНЛАР Сони ОРТМОҚДА

2 июнга ўтар кечаси Россия Украина шаҳарларига дронлар ва баллистик ракеталар билан яна оммавий ҳужум уюштирди. Украина Қуролли қучлари маълумотига кўра, Россия Каспий денгизидан “Калибр” қанотли ракеталарини ҳам учирган.




Киев шаҳар ҳарбий маъмурияти раҳбари Тимур Ткаченконинг ахборот беришича, пойтахтда уч киши ҳалок бўлган, 29 киши тан жароҳати олган. Подольск туманида Россия ракетасининг парчалари турар-жоё биноси томига тушиб, ёнғин келиб чиққан ва ойналар шикастланган.

Киев мэри Виталий Кличконинг билдиришича, ҳужум оқибатида 21 киши шифохонага ётқизилган. Шаҳарнинг уч туманида электр таъминотида узилишлар содир бўлган.

Днепр шаҳрида Россия ҳужуми натижасида беш киши, жумладан, 73 ёшли аёл ҳалок бўлган. Вилот ҳарбий маъмурияти раҳбари Александр Ганжанин айтишича, 25 киши яралган. Зарбалардан бири турар-жоё мавзелирига тўғри келиб, йирик ёнғин келиб чиққан.

“GOOGLE” ВА “MICROSOFT” УЧУН ЧЕКЛОВ

Европа Комиссияси “Google”, “Amazon”, “Microsoft” ва бошқа АҚШ технологик корпорацияларининг энергетика, банк, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа стратегик соҳалардаги давлат тендерларида иштирокини чеклашни назарда тутувчи янги қонун лойиҳасини тайёрлади.



“Reuters” агентлигининг хабар беришича, “Булутли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 4 июнь кўни Европа парламентида тақдим этилиши кутулкида.

Ҳужжат Европа Иттифоқининг булутли технологиялар соҳасидаги муштараклигини қучайтиришга қаратилган. Лойиҳага кўра, хизмат кўрсатувчи компанияларга қўшимча талаблар жорий этилади. Асосий мезонлардан бири сифатида учинчи давлатларнинг провайдерлар маълумотлари ва хизматлари устидан назорат даражаси баҳоланади.

Қонун лойиҳасида дата-марказлар қурилишини мувофиқлаштириш жараёнларини тезлаштириш ҳам кўзда тутилган.

НОСВОЙ ТАҚИҚЛАНАДИ

Қирғизистон ҳукумати 2040 йилгача мўлжалланган демографик сиёсат концепцияси доирасида тамаки ва алкоголь маҳсулотлари айланмасига нисбатан қатъий чекловларни тасдиқлади.

Янги тартибларга кўра, мамлакатда носвой ишлаб чиқариш ва тарқатиш тўлиқ чекланади. Шунингдек, алкогольли ичимликлар ва сигареталарни харид қилиш учун минимал ёш чегарасини 20-21 ёшга ошириш режалаштирилган.

Расмий ҳужжатларда қайд этилишича, зарарли маҳсулотларни сотиш қаналлари ҳам сезиларли даражада қисқартирилади.

Болалар ва ўсмирларга салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган маҳсулотлар рекламаси устидан назорат қучайтирилади ва қўшимча чекловлар жорий этилади.

ЛИВАНДАГИ ҲАРБИЙ АМАЛИЁТ НЕФТЬ НАРХИНИ ОШИРДИ

Мамлакатдаги ҳарбий ҳаракат кўламини кенгайтириш ҳаёти бозориде янги ўсиш тўлкинини келтириб чиқарди. Инвесторлар эса Яқин Шарқдаги можаро янада чуқурлашиши мумкинлигидан хавотирда.



“WTI” русумли нефть нархи қарийб 3 фоиз ошиб, бир баррель учун 89,88 долларга етди. “Brent” нефти эса 2,4 фоиз қимматлаб, 93,33 доллардан сотилди.

Исроил қўшинининг Ливан ҳудудига янада ичкарилаши 17 апрелдан буён амал қилиб келаётган ўт очини тўхтатиш келишувига қасдма-қасд содир бўлди. Оқибатда минтақавий вазият барқарорлашишига нисбатан умид сусайди.

Осиё фонд бозорига савдо аралаш натижа билан кечди. Жанубий Кореянинг “KosPI” индекси 1,3 фоиз ўсган бўлса, Япониянинг “Nikkei-225” индекси озгина қўрқилади. Австралия ва Хитойда айрим кўрсаткичлар пасайиши қайд этилди.

Бозор эътибори яна бир муҳим воқеага қаратилди: кунчиқар юртнинг “SoftBank” корпорацияси Францияда сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантириш учун келаси беш йилда 45 миллиард евро сармоа киритиш режасини эълон қилди. Бу хабар ортидан компания акцияси 5 фоиз қимматлади.

Интернет хабарлари асосида
Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА


TuronBank

UZCARD

TURONBANK VA UZCARD DAN YANGI AKSIYA: TRACKER-2 EGASIGA AYLANING!



1220


 turonbank.uz

 XIZMATLAR
LITSENZIYALANGAN

МЕРОС



МУЗЕЙЛАРГА ЭЪТИБОР

Сўнгги йилларда музейларга катта эътибор қаратилмоқда, янги музейлар сони ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан музейлар ва музей ходимларига эътибор, эътироф кучайган.

Яқинда Хива шаҳрида музей раҳбарлари ва ходимлари учун “Замонавий музейлар ва рақамли фондлар: инновацион бошқарув стратегиялари” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда 100 дан зиёд музей ходимлари иштирок этди. Семинар-тренингда бугунги кунда музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳолини музейларга кенг жалб қилиш, сунъий интеллектдан музей соҳасида оқилона фойдаланиш масалалари ҳақида фикр алмашилди. Сабаби, бугунги кунда аҳолининг кўп қисмини ташкил этувчи ёшларни музейларга жалб қилиш оғирлиги муаммоларимиздан бири бўлиб қолмоқда, шу масалалар биргаликда кўриб чиқилди.

Семинар-тренингни Маданий мерос агентлиги директори-нинг биринчи ўринбосари Элмурод Нажимов, Хива шаҳар ҳокими Темир Давлатов очиб берди.

Тадбир давомида музей соҳасида неча йиллардан буён ишлаб келаётган соҳа мутахассислари музей фаолиятини тарғиб қилишда PR-технологияларнинг ўрни, музей ашёларини қайд этиш ва илмий рўйхатга олишда сунъий интеллект интеграцияси ва яна бир неча мавзуда маърузалар қилишди. Бу семинар-тренинг ёш музей ходимлари учун янги билим ва малака бўлиб хизмат қилди. Барча қатнашчилар савол-жавоб орқали ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбир давомида йиллар давомида жонқурлик билан ишлаб келаётган музей ходимларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу рағбатлантириш уларнинг ўз ишларига меҳрини оширади, келгусида музей соҳасида янгилик қилишларида кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

24 май куни музей ходимлари учун Ичанқалъа бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Очқ осмон остида жойлашган бу музей йиллар давомида чет эллик меҳмонларни ҳам ўзига жалб қилиб турибди. Бундай экскурсиялар ходимларнинг малакасини ошириш, музей соҳасида янгиликларни ўрганишда ёрдам беради.

Ичанқалъа — Ўзбекистоннинг энг қадимий ва сирли тарихий масканларидан биридир. У Хива шаҳрининг ички қалъаси ҳисобланади. Қалин деворлар билан ўралган бу ҳудуд қадим замонлардан буён бутун бошли тарихий шаҳар сифатида сақланиб келмоқда. Шу сабаб Ичанқалъа кўпинча “очқ осмон остидаги музей” деб аталади.

Ичанқалъа ҳудудида ўнлаб мадраса, масжид, минора ва саройлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос мезморчилик услуби ва тарихига эга. Айниқса, Каптаминор минораси ўзининг мовий қошлар билан сайёҳларни ҳайратга солади. Бу минора жуда баланд қилиб қурилиши режалаштирилган, аммо қурилиши тугалланмай қолгани сабаб “Каптаминор” деб ном олган.

Қалъанинг энг машҳур жойларидан яна бири Кўҳна Арк саройидир. Бу ер қадимда ҳукмдорлар яшайдиган ва давлат ишлари олиб бориладиган марказ бўлган. Шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳам муқаддас зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. 1990 йилда ЮНЕСКО Ичанқалъани Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритган. Бу эса унинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё маданий мероси учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ичанқалъада сайр қилиш жараёнида ўзимизни гўё бир неча аср олдинги Шарқ шаҳрига тушиб қолгандек ҳис қилдик. Қадимий кўчалар, лой деворлар ва мовий қошлар тарих нафаси билан уйғунлашиб, инсон қалбига унутилмас таассурот қолдиради.

Ҳа, музейлар — ўтмишдан, миллий ўзлигимиздан сўзлайдиган муҳташам масканлардир.

Гулнора РАЖАБОВА,
Сергей Борodin уй-музейи
директори.

ХУНАРМАНДЧИЛИК

НАҚШЛАРДА МУЖАССАМ МЕҲНАТ



Гилам оддий рўзгор буюми эмас, унинг ҳар бир нақшида хунарманднинг меҳнати, сабр-тоқати, дид ва маҳорати акс этади. Қўштепа туманида гиламчилик билан шуғулланаётган юзлаб инсонлар ана шу қадимий хунар орқали нафақат миллий қадриятларимизни асраб келмоқда, балки оилалар фаровонлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва оилалар даромадини оширишга қаратилган ишлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Айниқса, касаначилик ва ўзини ўзи банд қилиш асо-

сида ташкил этилган фаолият турлари кўплаб оилаларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда туманда 350 дан ортиқ оила тикувчилик, тўқувчилик, косибчилик, гиламдўзлик, пайпоқ ишлаб чиқариш каби йўналишларда самарали меҳнат қилиб, ўз турмуш даражасини яхшилаб бормоқда. Мазкур фаолият турлари аҳолининг доимий даромад манбаига айланиб, хонадонларга барака ва файз олиб кирмоқда.

Айниқса, Қўштепа туманида гилам тўқиш кенг ривожланган соҳалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Солижонобод маҳалласида тадбиркор Сайдахон Файзиёва раҳбарлигида фаолият юритаётган гилам тўқиш корхонаси бу борадаги иб-

ратли масканлардан бири саналади. Корхонада нафақат маҳалла аҳолиси, балки туманининг турли ҳудудларидан келган фуқаролар ҳам меҳнат қилиб, ўз оилалари фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Бугунги кунда 30 дан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилиб келаётган мазкур корхонада гиламнинг турли нусхалари тўқилиб, Туркия, Бразилия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

— Гилам тўқиш ҳам масъулиятли жараён саналиб, унинг учун машаққатли меҳнат, сабру-қаноат, кунт ва маҳорат лозим. Гилам тайёр бўлиши учун ойлари, ҳатто йиллар керак бўлади, — деди корхона ишчилари. — Ҳар бир нақш, ҳар бир ранг уйғунлиги ортида хунар-

манднинг меҳнати ва ижодий изланиши муҳтасам.

Эътироф этиш лозимки, туманда меҳнатсевар инсонлар томонидан яратилаётган маҳсулотлар, айниқса, миллий гиламлар халқимизнинг асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, бу меҳнат орқали юзлаб оилалар ўз келажагини қуриб, фаровон ҳаёт сари дадил қадам ташламоқда. Зеро, меҳнат қадрланган, хунар эъзозланган юрtda таракқиёт ва фаровонлик барқарор бўлади. Солижонободликларнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари эса ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Фотима МАНСУРОВА.

САОДАТ БУРЖИДАГИ Ватан

1-6. Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданият, санъат ва адабиёт намоёндаларидан бир гуруҳига Давлат мукофотларини тантанали равишда топшира экан, иштирокчиларга шундай юзланди: — Давлатни иқтисод кўтарида, қонун бошқаради, армия ҳимоя қилади. Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажак мустақам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни кадрласа, уша халқнинг маънавий иммунитетни кучли бўлади.

Шунингдек, Президентимиз устоз Эркин Воҳидовнинг "Узбегим" қасидаси уша оғир замонларда халқ руҳига қанчалар маънавий қувват ва куч бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бугунги ижодкорлар олдига ушбу шеърый жанрга бўлган нуктаи назар ва уни тиклаш вазифаси турганлигини эслатдилар. "Менинг ниятим — ҳар бир хонадонга мусика чоғуси кириб борсин, ҳар бир ўғил-қизимиз мусика чалишни ўргансин. Чунки санъатни, мусикани севган боланинг қалби тоза, тафаккури кенг бўлади", — деди Президентимиз.

Юртбошимизнинг "Ўзбек халқи гижжак санъатини дунёга ёйиш тўғрисида"ги фикрлари ҳам анжуман қатнашчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Кунинг иккинчи ярмидаги ижодий мулоқот ҳар бир қатнашчининг руҳиятида бир олам эврилишлар ясади. Очиқ, эркин, мардона фикр алмашулар Янги Ўзбекистоннинг янги инсонлари фикратига улғу ўзгаришлар содир бўлаётганини Вақт кўзгусида кўрсатди. Инсон қадри, қалби, омили учун давлат бюджетидан ажратилаётган, рақамлари ҳайратга солаётган моддий имкониятлар режаси ҳаммадан лол қолдирди. Масалан, адабиёт соҳаси вакиллари учун муносиб ижодий муҳит, шароит яратиши ва рағбатлантириши бўйича ҳам қатор янги имкониятлар режаси тақдим этилди. Энди шoir ва ёзувчиларга йилга камида 50 та энг сара асар учун ижодий давлат буюртмаси бериш йўлга қўйилди. Ҳар йили ўзбек адабиётининг энг яхши 10 та асари хорижий тилларга таржима қилинади ва муаллифлари иштирокида чет элларда тақдиротлар ўтказилади. Бундан буён Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларнинг

қоғоз билан боғлиқ харажати давлат томонидан қопланади. Шунингдек, ёш истеъодларнинг шеърый билан санъатни уйғунлаштирган шеърый концертлар ташкил этиш ташаббуслари ҳам қўллаб-қувватланди. Кўнгилга хуш ёқадиган яна бир жиҳат — ушбу йўналишда тақдим этиладиган энг сара 100 та лойиҳа давлат ҳисобидан молиялаштирилади. Эндиликда ҳар йили 1 минг нафар шoir ва ёзувчи, маданият ва санъат вакиллари, музей ходими ва рассомларга уй-жой олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади.

Бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган ижодкорларга уй-жой ижараси учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача, вилоятларда 1 миллион 600 минг сўмгача харажатини қоплаб бериш йўлга қўйилди. Ижодий ташкилотлар, маданият ва санъат муассасаларига бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган соҳа вакиллари ҳам кўп. Уларга ҳам уй-жой ижараси учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача, вилоятларда 1 миллион 600 минг сўмгача харажатини қоплаб бериш жорий этиладиган бўлди. Булар ҳаммаси эмас! Эътибор қилинг, ҳар йили фаолиятида яхши натижага эришган 1 минг нафар соҳа ходими давлат тиббий суғурта жамғармаси ҳисобидан бепул даволанади. Яна 2 минг нафар ижодкорга давлат томонидан тиббий суғурта пакети тақдим этилади. Камида 10 йил ишлаган ходимларга санаторийларга бепул йўлланма берилади. 15 июндан халқ артисти, халқ шoirи, халқ ёзувчиси каби юксак фахрий унвонга эга ижодкорларнинг аэропорт ва вокзаллардаги "ВИП" заллардан бепул фойдаланиши таъминланади.

Қудратли уммон сувини ўлчаيدиган имконият йўқ. Тарихий жараён иштирокчиси сифатида мен ушбу уммондан бир томчигина олдим, холос. Бироқ томчида кўёш акс этганидек, муҳтарам Президентимиз бошчилигида мислсиз тараққиёт шиддати билан илгарилатган Янги Ўзбекистоннинг бетимсол суврати акс этиб турибди. Саодат буржидидаги она Ватанимиз учун тунни кунга улаб, оромдан воз кечиб, қатъий сиёсий ирода билан мамлакатни бошқараётган қадрли Президентимиз учун кўкка ўрлаётган эл дуоси ҳаммамиз учун ҳам ниҳоятда ёқимлидир.

ИБТИДО

Тўғилдинг...

"Инга" дедиң,
Борлиққа дур сочилди.
Волиданг сийратида
Ҳаёт гули очилди.
Отанг сипо жилмаяр...
Суюнчи узатади.
Бувинг бешшегинг узра
Исириқ тутатади.
Жажжигина бу қулба
Кувонч гулига тўлар.
"Инга" — деган гўдагим,
Ватанни худо берар.

Энди сен Ватанлисан,

Алломишга унисан.
Жалолиддинга жигар,
Қилчи тутган қўлисан.
Киндик қонинг томди-ю,
Сингиб кетди тупроққа.
Дўстлар шод бўлди, бироқ
Ғаним тушар титроққа.
Бешикда гуверансан,
Оймомо нурин элар.
"Инга" — деган гўдагим,
Ватанни худо берар.

Улғаясан, шу қулбанг

Сарой бўлиб кўринур.
Енида оққан жилга
Дарё бўлиб кўринур.
Тоғларинг салобатин
Нигоҳинг-ла ичасан.
Ёшан-у саҳроларни
"Тадарим" деб кўчасан.
Олплардан қочингга
Она Тўмарис келар.

У ҳайқира: — Божон,
Ватанни Худо берар.
Шундай дедди асрлар:
Авесто, Ҳурхун хати.
Қояларга нақш бўлган
Она халқинг санъати.
"Шашмақом" янграганда,
Дунё сеҳрага тўлар.
Қалбинг титраётган наво:
— Ватанни Худо берар...

У энди жону танинғ,
Онанинғ оппоқ сути.
Қирларда чайқалган дон,
Аждодларинг ўғити.
Булут каби қўзғолаң
Тагиндаги тулпоринг.
Оқ сочили мунис Онанг,
Ой каби гўзал ёринг.
Энди сен номусу ор,
Юрт учун фидо жонсан.
Ватан "болам" деганда,
"Лаббай", деган ўлгонсан.

Белингни маҳкам боғлаб,
Кураш тушган ўзбексан.
Сен бурулдек шиддаткор,
Қоя мисоли тиксан.
Париж. Гувиллар дунё...
Энилмас пахтавоқсан.
Тугини само ўлган,
Ғолиб Ўзбекистонсан...
...Бугун она замина
Само нулларинг элар.
Ватанни бўлмас сотиб,
Ватанни Худо берар.

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ шoirи

Бугун она заминга само нурларин элар

Муҳаббат гуллари кўксинг баҳорида мудом сўлмас,
Ватан ишқи умрбоқий — у мангуа завоп кўрмас.
У бир сўзки, кўёш яналғи бағишлар нур, ўлим билмас,
Усиз жонингда жон йўқдир, баҳорлар ҳам баҳор бўлмас,
Юрак айтур, юрак айтур: Ватандин яхши ёр бўлмас.

Шу тугроқда униб, ўсдинг, кўёш бошинга нур сочди,
Ватан "болам", дея қувнаб, заминдек кўксини очди.
Адирулар поласин берди, кувонч дарё бўлиб тошди,
Онажон Ўзбекистонинг қадрли-бастинг суйиб тўймас,
Юрак айтур, юрак айтур: Ватандин яхши ёр бўлмас.

Гўзал жаннат эрур боғлар, томирларда жўшар қонлар,
Ўз элида бахтийёрдир меҳнатсевар хур инсонлар.
Янеи Ўзбекистон элга очиб берди зўр имконлар,
Минг шукрим, қўп дуода, дуоли эл завоп билмас,
Юрак айтур, юрак айтур: Ватандин яхши ёр бўлмас.

Ватан тугроғига бир туп ниҳол экмак эмас осон,
Бугун ўзбек шиддатидин кўнча дунё лопу ҳайрон.
Ватан саодатин кўзлаб, ором билмас улғу сарбон,
Дуолар кўкка ўрлайди: юрт кўёши мангу сўнмас,
Юрак айтур, юрак айтур: Ватандин яхши ёр бўлмас!

Шукр неда, шукр илм, меҳнату бахт, саодатда,
Гўдақларинг кувончида, Яратганга ибодатда.
Шукр қилдим бу кунларга, ижоду руҳи роҳатда,
Элим, бошинг баланд бўлсин, сен эккан ниҳоллар сўлмас,
Юрак айтур, юрак айтур: Ватандин яхши ёр бўлмас.

У бир ойма аввал тун бўйи тушида
рақса тушиб чиқди. Табба, сўнг бу
тушини эски фильмдай такрор-такрор
кўраверди...

...Кенг мўл давра, дугонаси Моҳиранинг тўйи бўлаётган эмиш. Таниқли ҳофиз жўшиб ялла айтаётган бўлса-да, ҳеч ким ўйнамаётган эмиш. Ҳамма ҳайрон бўлармиш. Шунда элатнинг кайвониски Назира момо қичқира эмиш: "Нодира ўйнасин, Нодира". Дугоналари даврага сударшасу, у озгина қимтиб турармиш-у, сўнг эшилди-эшилди ўйнай бошлармиш, берилиб ўйнармиш. Хиром этиб ўйнармиш-у, ноз этиб ўйнармиш-у, шунинг баробарида кўзларидан дув-дув ёш куйилармиш. "Астафирруллоҳ! — дермиш шунда кимдир ҳамма эшитсин дегандай, овозини атайлаб баландлатиб. — Бу не ҳол? Шундай чиройли, хушсурат қиз нечун йиғлайди? Не кам бор бунинг?"

"Ай, сўраманг. — ачиниб жавоб берармиш ёнидаги ок рўмолли, фариштадай аёл шивирлабгина, — ҳусни бор бўлсин, бу чиройли кизнинг дарди ичиди, бахти кемтик бечоранинг".

"Дарди ичиди, бахти кемтик... Бу сўзлар неча кунларки, қулоқларидан кетмайди. Уйда ҳам, ишида ҳам миясини пармалайверади. Ўзини чапғитиш учун бошқа нарсаларни ўйламоқчи бўлади-ю, эплалмайди. Сўнг хаёлидами, ё чинданми, ўзи ҳам билмайди, рости, кўзининг ўнгиди оқ либосли бир мавҳум шарпа пайдо бўлади. Юзи кўринмайди-ю, истеҳзо билан сўзлагани сезилади. "Ўзинг айбдорсан, ўзинг, — дейди жуда ёқимсиз овоз билан. — Сен ҳаётни ўйин деб билдинг. Ҳаёт ўйин эмас ахир, ўйин эмас. У сеннинг изинига юрмайди". Шундай кезлар дунёга сиграма кетади. Юраги симиллаб оғрийди, уф тортади. Кўзининг олдини туман қоплагандай бўлади, ҳамма нарсани ташлаб, киши билмас олисларга бош олиб кетгиси келади. Умрининг ўтган йилларига ачинади. Бу воқеаларнинг илк бошланган кунини армон билан эслайди...

Чиройли қиз эди у, устига-устак, отаси раис. Раис бўлганда ҳам ўнча-мунча одамга гап бермайдиган каттакон раис эди. Бизда, биласиз, катталарнинг фарзандлари ҳам аксар катта сўйлайдиган, иззат-иқромни яхши кўрадиган, хийлагина олифта бўлишди. Бунга асли ўзимиз ҳам сабабчи-да, чунки атрофида кўп ҳам хокисор-у гирдика-палак бўлаверамиз, тўғрими? Сақизинчида ўқиб юришганлариди ўзини синфинг "қузир"и санайдиган Кўчор сатанг ҳаммамнинг олдида: "Сен индийский кинолардаги қизларнинг худди ўзисан, пешонангга хол қўйиб олсанг борми, "Сангам"даги Ратхага икки томчи судайди ўхшайсан", — деди ялтоқланиб. Синфдошлар гув этиб қилиб қарсак чалиб юборишди. Шунда сатанг баттар авжланди: "Синфинингнинг, йўқ, мактабнинг биринчи гўзали Нодира, иккинчиси Ҳафиза!" Яна қарсакбозлик бўлар эди-ю, шу махал ўқитувчи келиб қолди. Қизнинг партада ўтирадиган Ҳафиза деганимиз олчадай қизариб, "ўлғайма-ан", деб юзини яширди...

Мақтов дегани асалдай нарса, кимга ёқмайди дейсиз! Нодира шу кунни ёмон ҳаволанди, ўзимам еттинчи осмонга чиқди. Ҳалиям уятдан бошнинг кўтармай ўтирган Ҳафизага кирб билан қараб қўйди: "Фуу, иккинчи гўзал эмиш, биллиқ кўй, минг чирансанг ҳам менга тенглашолмайсан!". Тўғри-да, қандай қилиб тенглашсин? Оқдий тракторчининг қизи бўлса. Онглигини кийин, хуснидан бошқа нимаси бор? Эғнидагилари ё опасининг, ё холаларининг ўзларига тор келиб

қолганлари, ночоргина яшашида-да, бечоралар... Шу кундан сўнг Нодиранинг хаёли буткул ўзгарди. Ўзича ҳамсабоқларини икки гуруҳга бўлиб қўйди: у тараф Ҳафизанинг, буниси Нодиранинг тарафдорлари. Сир бўлмасин, атроф-жавониди индамасгина Ҳафизани ёқтирадиганлар, зимдан ҳавасланиб қарайдиганлар кўп эди. Кўчорнинг гапи миясига симобдай синди. Ўзини хаёлан хинд гўзаллари каби ҳис этиб, киноларнинг шай-досига айланди. Табба, кўнгиб деган тилсимга тушуниб бўлмайди-да, ҳеч нарсада айби йўқ Ҳафизани жиндан баттар ёмон кўриб қолди. Ўзича унга "Ҳаффи" деб от қўйиб ҳам олди. Уларнинг мактабни тамомлайдиган вақти бозор иқтисодиёти деган талотўплар бошланиб, одамлар рўзгор аталмиш ебўтимиш горнинг қайғусига ботган, дўконлар бўшаб, нон деган неъмат унча-мунча тортилиб, кўпчилик эртанги кунимиз не бўлади, деган хавотирли саволлар остида қолган кун-

қисинма, уялсанг, мана, ўзим билан ўйнайсан". Сўнг худди хинд киноларидаги хонимчаларга ўхшаб буюрди: "Қани, шўхидан чалинглари!"

Озарча ўйноқи қўшқ бошлади:
Сан, сан, сан,
Сан, сан, сан,
Сан, сан, сан, ойгўли,
Сан, сан, сан,
Сан, сан, сан!

Сўнг атайлаб ўзини кўрсатиб, сўнги русумдаги қимматбаҳо кўйлагининг этакларини бир қўли билан ушлаб жавлон урди, ҳаммани ҳайратга солди, ростки, атиргудай очилиб кетган эди-да, ўзимам. Уялиб, бир сижим бўлиб қолган Ҳафизанинг теварагиди гир айланиб ўйнади, чир айланиб ўйнади. Уша кунни виноми, арақ деган балони илк бор татиб кўрган синфдош йиғитчалар завқи келганиданми, ё давранинг офатижон қиролчисига яхши кўриниш илнинжидами, "хааааайт!" деб қийриб юбордилар. Нодиранинг завқи



Содиқжон ИНОЯТОВ

ЎЙИН
(Ҳикоя)

ларга тўғри келди. Синфдошлари битирув кечаси учун уйдагилардан қандай қилиб пул сўраймиз, деб ўйлашиб юрганлариди Нодира: — Ҳеч қисинманглар, — деди ошқора беписанд, — шуям ташвиш бўптимми? Отамга айтиб, "ве-чер"ни ўзим уйда чиройли қилиб ўтказиб бераман. Ҳаммангиз ҳайрон қоласиз. Бир тийинингиз керак эмас.

Ҳамсабоқлар мушуқуллари бу қадар осон кўчганидан суюниб кетишди. Нодиранинг мартабаси яна ошгандай бўлди, хушомад-у мактовлар кўпайди.

"Ве-чер"ни чиндан чиройли қилиб берди. Ноз-неъматларга тўла дастурхонни, отасининг бир оғиз сўзи билан тумандан келган созандаларини кўриб, барчанингни оғзи очилиб қолди. Нодира ўтириш давомиди Ҳафизадан кибрли нигоҳларини узмади. У битирув кечасига ҳам дурустроқ кийини келолмаганди, мангалии шўр. Шунда ўзини тенгдошларининг энг гўзали, эртанги кунни порлоғи деб санайдиган мезбоннинг кўнгилга шумли келди. "Ҳаффи"ни, яъни рақибасини камситмоқчи, ўзининг устунилигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Мунгайиб ўтирган синфдошини атайлаб ўйинга тортиди. Шундоқ ҳам тортинчоқ Ҳафиза талмовсираб қолди. Уялиб кетди: "Ўйнаб билмайман, — деди зорланиб, — кўй, мени қисинтирма". "Ўйнайсан, — деди шунда Нодира амирана, —

ниб, гийбатга ўч қўшиллар гап олиш ниятида оғизга тикилганлариди, — тепамизда худо бор. Ҳаммага феълйига яраша беради".

Одамдод дегани унутувчан-да. Сувлар оқиб, умр елдек ўтаверан экан-у, қачонлардир қилган қилмишинг фурсат замони этиб, эсингга тушганида виждонинг олдида қарахт бўлиб қоларкансан. Баъзида тирналган эски яранинг азоби ёмон бўлар экан. Нодира институтни тамомлаб, қишлоққа қайтиб келганида ҳам хаёли ҳали-ҳайно шукр мақтаб йилларининг шуқуқи-ю, ҳою ҳаваслари билан тўла, "ҳамма нарса ўзимнинг изминда" деб юрган эди. Кўнгли тоғдай юксак, димоғи баланд, "бир нигоҳ ташласам бас, юз йигит афрофимда парвона бўлади", деб ўйлаганди. Ахир чиройли, қомати келишган, устига-устак, каттагина мансабдорнинг дўхтир қизига уялиниши ким ҳам озуламайдиган? Аммо ҳаётнинг биз билан ҳисоблашмайдиған, нотавон кўнглимининг бетийлик истақларига қарамайдиган қонуниятлари бор экан-у, хом сут эмган бандалар билмас эканмиш. Нодирага яхшигина жойлардан совчлар келди. Аммо уларни назарига илмайди. Унинг истацига бўлғуси кўёв, албатта, бадавлат оиладан чиққан, ё юрист, ё врач, ё ички ишларда ишлайдиган йигит бўлиши керак эди. Бироқ сенда бор кўнгиб ўзгада ҳам бор ахир. Совчиларнинг қадамлари узилиб, бора-бора ёши катталар-у аёлдан ажрашганлар, сўнгроқ эса салом отаси тенги одамлар бошқалар орқали зимдан суриштира бошлашганлариди у хато қилганини, умрининг гуллаган даврининг ўтганлигини сезди. Сезди-ю, юрагининг туб-тубидан бир аччиқ хўрсиник отилиб чиқди: "Янглишибман, ёмон хато қилибман". Ана шунда гарибгина, беозор синфдошини атайлаб масхара қилганини эслади. Ўқисиниб йиғлади. Юрагидан бир иштибох ўтди: "Ушанда Ҳафиза мени қармаганмикам, мабодо? Унинг заррача гуноҳи йўқ эди-ку ахир?" Кўнгли алағда бўлаверди, эзилди, ўйланавериб тунлари уйқуси қочди. "Ахир яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам жавоби бўлади, дейишди-ку. Мен уша худбинона қилмишим учун жазойимни тортаётгандирман, балки". Зимдан Ҳафизани излай бошлади. Унинг синфдоши Рустамга турмушга чиқиб, оиласи билан пойтатхта яшашини, институтда ишлаётганини, икки ўғли, бир қизи борлигини эшитган, йигирма йилдан бери учрашмаган эди. Кўргиси келаверди, келаверди. Излаб боришга юзи чидамди. Қарангки...

Уша кунни ишар ҳар доимгидан барвақтроқ келди. Табба, кимдандир изза еган одамдай кўнгли хижил, пўқиллаб боши оғрирди. Хаёли паршон эди. Салом бериб кириб келган аёлнинг ёқимли овозидан ҳайратда қолди. Сас танишдай тўюлиб, бир дақиқа қарахт бўлди, кўзларини очиб юмди: "Ким эди-я бу?"

— Нодира, соғ-омон бормисан? — аёл келиб баргига босганида, димоғи бир нафис ифорни туйди, кўнгли алланечук илиқ ҳисларга тўлди, ўнкаси тўлиб кетди. — Мени танимадинг, шекилли?

Рўпарасида келишган, ниҳоятда дид билан кийинган аёл турарди. Дили ўқиб юрганлигидан фаромуш қолди, шекилли, талмовсиради. — Сиз...

— Мен Ҳафизаман, синфдошинг. Қара, кўришмаганимизга неча йиллар бўлди? Таътилга чиқиб, қишлоққа кечাগина келдик, сени соғинган эканман...



Муаллиф ҲАКИМОВ

Содиқжон ИНОЯТОВ 1960 йили Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини таъмомлаган.

Унинг болаларга аталган биринчи шеърлар тўплами 1994 йилда "Чўлпон" нашриётида "Омон бўлса дўстларим" номи билан чоп этилган. Кейинчалик "Ёруғ кунлар", "Онамни соғиниб", "Акамнинг китоби" деб аталган китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Нодира дув қизариб кетди. Кўзларини олиб қочди, сўнгра ўқиб йиғлаб юборди. Армон билан, иштироб билан йиғлаб йиғлади. Узоқ йиғлади. Ҳафиза лол қолди.

— Нега йиғлайсан? — деди сабоқдоши қайта кучоқлаб. — Табба, танимай қолганинга хижолат бўлдингми? Шунчалик ўзгариб кетибманми? Қўй, йиғлама...

Нодира ниҳоят тинчиди. Шунда ҳам аёлнинг кўзларига қарай олмайди. Юзи оқариб кетган эди унинг.

— Заррача ҳам ўзгармабсан, — деди овози гўлларда, — заррача ҳам. Сеннинг олдингда умрбод гуноҳкорман, биламан, бу воқеани унутолмайсан. Мени эсимдан чикарганман, деб алдамай кўяқол, барибир ишонмайман. Айб менда, сени камситиб, ўзимни кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. Ушанда юрагим кибрга, манманликка лик тўлган экан, ўзимни осмондаги ой деб ўйлабман. Энди билдимки...

— Қўй шу гапларингни, — Ҳафиза самимий жилмайди, қизик, шунда ҳусни яна ҳам очилиб кетди. Чиройли кўзлариди самимият чарақлади. — Мен сени соғиниб, тургунлашгани келдим. Мана бу совга сенга...

...Табба, уша кунни илк бор ёшлик йилларидагидай тиничлиқ, ором олиб ухлади. Туш қўрди. Яна тўй эмиш. Бу гал Ҳафиза ўйнаётган эмиш. Уялиб, қисиниб-қимтиниб, ҳаё билан, чиройли ўйнар эмиш. Нодира бўлса чеккада эзиллиб-эзиллиб йиғлармиш. Шунда осмон секин-аста ёришиб, йи-роқлардан бир ахиқ сас келармиш-у, унинг кўнгилида ёқимли, беғубор, ёшлиғидида жуда таниш хислар уйғонармиш. Ҳайрон-у лол турганда кўзининг олдида ўша оқ либосли мавҳум шарпа тўн пайдо бўлармиш: "Аллоҳнинг қарам кенг, — дермиш у бу гал ниҳоятда ёқимли, эрқаловчи овоз билан, — йиғлама, Аллоҳнинг қарам кенг..."



КИТОБ — ЭНГ УЛУҒ МУРАББИЙ



ДИЛДАГИ ГАП

Яқинда ижтимоий тармоқда бир видеога кўзим тушди. Унда ўзини блогер деб атаган қиз китоб ва мутулаа ҳақида сўровнома ўтказди ва бир талаба йигитга савол берди: — Жуда кўп китоб ўқиганман, дедингиз, сизнингча, китоб инсонни тарбиялайдими? — Тўғриси, кўпчилик шундай ҳисоблайди, ammo мен бу фикрга қўшилмайман. Тарбия китобдан олинмайди. Лекин китоб дунёқарашини бойитади, деб ўқайман...

Бу жавобдан очиги биров хафа бўлди ва бу "креатив суҳбат"ни охиригача тинглашга менда тоқат қолмади. Чунки, назаримда, бу жавоб китобга тўхматдек, китобга ҳурматсизликдек туюлди. Дунёнинг "сақкизинчи мўъжиза"си, хазина деб тан олинган китобга берилган бу "баҳо" баъзиларга баҳс-ликдек туюлган бўлса-да, менинг назаримда, нотўғри эди.

Чунки сарвари олам Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳдан илк бор келган хабар — "Иқро" ("Ўқи") эмасмиди? Бутун мусулмон оламини Аллоҳнинг қаломини бўлган Қуръони карим тарбияламидими?

Қолаверса, нега одамзод ҳали қоғоз кашф этишга улгурмасдан ҳаётдан олган сабоқларини тош-у териларга ёзиб, авлодларига билганларини ўргатишга интилган?

Агар китоблар бўлмаганида, инсоният ҳаётда бутқонда қолиб кетган, дунё тамаддуни юз бермаган бўлмасмиди!

Адабиёт — одоби қуллёт. Тарбия одобдан бошланмайди...

Жадид боболаримизнинг миллатни тарбиялашдаги асосий қуроли ҳам китоб эмасмиди? Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари, эҳтимол, шу боис ханузгача ҳам ардоқлидир. Абдулла Қодирийни айнан ўзган китоблар учун "миллат тарбиясини бузишда" айблаганмиди?

Миямда теғирмон тошидек айланаётган саволлар гални нимадан бошлашимга ҳалақит беради. Наҳот излаб, ишхонамдаги жавонлардан менга мўлтираб қараб турган китобларга тикилдим. Беихтиёр улардан бирига қўл узатдим. Рус ёзувчиси Максим Горькийнинг "Танланган асарлари"и экан. Қадрдоним китобнинг илк варағидаёқ "Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман" деган иштибоҳга кўзим тушди. Ичимдаги га-

лаён биров босилгандек бўлди. "Раҳмат сенга, китобжон", дея китобни бағримга босдим...

Ижодкор китоб ўқиб, ҳаёт қозонида қайнаб, тафаккури кенгайгач, ўзи ҳам қилган хулоса-ю ўзлаштирган тарбияси тўғриси китоб ёзган, қаҳрамонлар яратган. Одамзод ҳамиша маънавиятга муҳтож. Маънавият эса, асосан, китоблар, адабиётдан бошланади. Оннинг шаклланишига, тафаккурнинг пайдо бўлишига, илм-фаннинг ривожига ҳисса қўшган юзлаб алломаларнинг кинояли нигоҳлари кўз олдимда намоён бўлди. Бу нигоҳлар, назаримда, мени шоқалоқликда айблаётгандай эди.

Чиндан ҳам эҳтимол китобхон талаба жавобни бошқачароқ бергандир. Ахир дунёқарашини шакллантиради, деди-ку, демак, у ўзида дунёқарашини ўстиришга эҳтиёж сезгани учун ҳам устоз сифатида китобга мурожаат қилгандир? Чунки дунёқарашини шакллантириш дегани қалбни тарбиялайди, руҳни озқилантиради, дегани эмасми? Балки, талаба тарбияни бошқачароқ тасаввур қилар. Аммо тарбиянинг асоси қалбдан бошланмайди? Қалбдан тарбия эса ахлоқ-одоб тарбияси-ку.

Китобхон биров асарни ўқир экан, ўзи истаса-истамаса, ижобий қаҳрамонни севиб қолади, салбий қаҳрамондан нафратланади. Бир сўз билан айтганда, донодан нима қилишни, нодондан нима қилмаслиқни ўрганади. Китобнинг, бадий асарнинг асосий вазифаси шу-ку, аслида. Инсон маънавияти билан ҳақиқий инсонга айланади. Одамийликни, эзгуликни, жасорат ва матонатни маънавият шакллантиради. Китоб билим олиш, ҳаётни билиш, ўрганиш учун ўқилади.

Анджоннинг Избоскан туманида Иккинчи жапон урушида икки оёғидан ажралиб келган, кейинчалик колхозда тракторчилик қилган қаҳрамон жангчи Исомиддин Арабов билан суҳбатлашганман. "Қаердан бунча жасорат, иродани олгансиз? Ахир икки оёғи бус-бутун йигитлар ҳам трактор ҳайдашга журъат қилавермайди-ку", — деб сўраганман ҳайрат билан.

У киши биров ўйлаб турган: "Китобдан олганман сабр ва иродани. Госпиталда ётганимда, ҳаво жанги пайтида икки оёғидан ажралган ҳарбий учувчи Александр Маресьеве жасорати ҳақида фронт газетасида жангчи мухбир Борис Полевойнинг асарини ўқигандим. Ўзучи бу очерки

асосида кейинчалик "Чин инсон ҳақида қисса" китобини ёзди. Ўзучи қаҳрамони фамилиясини Маресьев эмас, Мересьев деб ўзгартирган, холос. Аниқ биламан, оёққа туришимда, ўзимга ишониб ҳаракат қилишимда, аввало, қайта-қайта ўқиганым ушбу асар менга ибрат бўлган.

Ноғирон бўлиб қишлоққа қайтдим. Қишлоқда аҳоли оғир эди. Колхозда ишчи кучи етишимасди. Аёжи кучга тўлган йигитларнинг аксарияти жанга кетган. Кекса кишилар, хотин-қизлар трактор минишга журъат қилишмасди. Эрақлар эса кам. Шунда яна кўз олдимда ясама оёқлар билан ҳам самолёт бошқариб, душманнинг додини берган учувчи Александр Маресьев намоён бўлди. Юрагим бир қалқиб, қоним қизиди. "Менинг ундан қаерим кам? Ҳатто ундан ёш бўлсам! Мен ҳам, албатта, трактор ҳайдашни унда лайман", деган қарорга келдим. Ҳеч кимга айтмай, протез оёқларимда текис юришни маш қилдим. Олти ойда оёққа турдим. Далага ишга чиқдим. Бригадирга мақсадимни айтдим. Ававалга ишонмади. Лекин ишонмага мажбур бўлдим, таваккал қилдим, ҳар қалай, рози бўлди. Мени кекса тракторчи Мадамин акага шогирдликка берди. Мен трактор рулига ўтирдим. Шу ўтираганимча нақ йигирма икки йил уни ҳеч кимга бермадим.

Нафақат қишлоқда, балки бутун республикада илгор тракторчи бўлиб танилдим. Ҳукуматимиз "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирлади. Бугун фахрий пенсионерман. Ҳозир ҳам кутубхонамда Борис Полевойнинг рус ва ўзбек тилидаги ўша китоби турибди. Рус тилини урушда ўрганганман. Ававал болаларимга, энди эса набираларимга бу асарни ҳам тақдор-тақдор ўқиб бераман эканман, кўз олдимда ўша суронли йиллар гавадаланади. Ҳақжоланман. Менга намуна бўлган учувчи миннатдорлик билдираман. Китоб тарбиячиғина эмас, ўзини англашга ўргатадиган тажриба мактаби ҳам. Шу боис болаларим қалбига китобга муҳаббат уйғотганман", — деди кўзлари чанқаб.

Билим ва тажриба — тарбиянинг узвий бир қисми. Шунинг учун ҳам одамлар китобни нондек азиз билишди. Шунинг учун ҳам ганимлар бос-тириб келганда кишилар, тарбияли, билимли кишилар жонларини хатарга

қўйиб бўлса-да, китобларни асраганлар. Қабрисонларга, девор тоқчалари орасига беркитиб, суваб ташлаганлар.

Академик Сабоҳат Каримова билан бўлган суҳбатимизда кўзда ёш билан шундай дегандилар: "Тойтахт яқинидаги қабрисонлардан бирида тарихий, араб тилида битилган нодир китоблар кўмилган экан. Ўша қабрни топдик. У ерда улкан темир сандиқ бор экан. Темир сандиқни очганимизда, махсус шойи матопларга авайлаб ўралган эллипсдан ортқ китобга кўзимиз тушди. Шойи анча эскирган экан. Бир неча дақиқа уларга тиқилиб, гафлатда қолдик. Тўсатдан эсан шамолдан чўчиб, ўзимни сандиқ устига ташладим. Аммо кечиккан эдим, шамол ва очқ ҳаво таъсиридими, китоблар кўз очиб юмғунимизча тупроққа айланди. Ўша воқеа учун ханузгача ўзимни кечиролмайман. Чунки биз илм-фанимиз, адабиётимиз, маънавиятимизни бойиштишга хизмат қиладиган бебаҳо хазинани кўлдан бой бергандик. Зеро, яхши китоб қачон яратилганидан қатъи назар, асло аҳамиятини йўқотмайди".

— Бугун битта китоб ўқиган бола эртага ўнга компьютер қаршида ўтирган болани ўзига эргаштиради, — деди Президентимиз.

Яқинда Бухоро амири Абулғози Баҳодирхоннинг Бухоро тарихига оид китобини ўқигач, китобнинг инсон тарбияси, унинг жамиятга муносиб ўрин эгаллашидаги қудратига яна бир қарра иқроқ бўлдим. Ўн тўққизинчи асрда қонхўрлиги билан ном қозонган, Қўқон маликаси — шоираи дав-

рон Нодирабегимнинг қотили сифатида тарихда қолган амир Насруллохон амирликда фуқаролар фақат уни қадрлашни, унга тобе бўлишни истар экан. Аммо кейинги пайтларда тез-тез мударрис Аҳмад хожи деган киши ҳақидаги эътирофлар қулгоғига чалина бошлади. У бундан росмана ғазабланибди. Оддий мударриснинг бу обрў, бу мартабага эга бўлиш сабабини билмоқчи бўлибди. Ва хошчилирига ўша ҳожиникига меҳмонга бормоқчилигини айтибди.

Подшоҳ — амри вожиб. Ҳожи амирни иззат-икром билан кутиб олиб, меҳмон қилибди, совға-салом билан сийлабди. Бироқ амир саройга қайтаётганда навқарларига ҳожининг уйини ёқишни, ўзини мударрисликдан қувиб қиқаришни амр қилибди. Мулозимлар хайрон бўлиб, сабабини сўрашганида: "Ҳожининг уйда қаттақон кутубхонаси бор экан. Унинг билим ва тафаккурини бойитган, халқ орасида обрўсини оширган ҳам китоблардир", деган экан ғазаб билан. Ўша зиёфатдан сўнг Насруллохон амирликдаги кутубхоналардан ҳам барча нодир китобларни олдириб, ёқтириб юборган экан.

Демакки, амирлик инқирозиди ана шу жоҳил Насруллохоннинг ҳиссаси катта бўлган.

Халқимизнинг китобга бўлган ҳурмати, эътиқоди ва билимга, ўрганишга ташналиги бизга бобомерос. Китоб ўқиган, китоб яратган юзлаб аллома боболаримизни, орадан минг йиллаб вақт ўтган бўлса-да, дунё нутгани йўқ. Улар яратган нодир асарлар, улкан кашфиётлар ҳали ҳам қадрланмоқда. Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган халқ сифатида миллатимиз эъзода.

Тўғри, маълум муддат халқимиз китобдан узоқлашиб қолди. Бунга бутун дунёда кечган иқтисодий тақчиллик ҳам, техниканинг ривожлангани ҳам сабаб бўлди. Ўшларимиз китоб ўқиб, вақт йўқотишдан кўра осон ва қулай бўлган, тафаккурини ва билимини қисқа фурсатда кегагича ошира оладиган интернет маълумотларига ружу қўйди. Бироқ улар бир нарсани — бу "дастёрлар" қалбада ҳиссиёт ва туйғуларга зарурат ва ўрин қолдирмаётганини сезишмади. Туйғуларсиз одамни эса инсонийлик ҳам тарк этади.

Минг шўқр, бугун яна китобга қайтдик. Ёш авлодни ахборот хуружларидан, турли ёт мафқуралардан асраш,

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан бу борада Фармон, қарор ва миллий дастурлар қабул қилинмоқда. "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус"нинг тўртинчиси айнан китоб ва китобхонликка бағишланади. Кутубхоналарга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу эътибор самарасида йилгига 20 мингдан зиёд номдаги янги адабиётлар чоп этилмоқда. Нашриётлар сони 3,5 баробарга ошди, 5 миллиондан ортқ фалол китобхон пайдо бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 700 га яқин нашриёт китобхона маъқул бўладиган мавзулардаги китобларни нашр этмоқда, ўқувчининг вақтини тежаш мақсадида уларнинг электрон вариантлари яратилмоқда.

— Бугун битта китоб ўқиган бола эртага ўнга компьютер қаршида ўтирган болани ўзига эргаштиради, — деди Президентимиз. Ҳа, китоб тафаккур қаноти, у ўқувчини ҳам тарбиялайди, ҳам дўстона маслаҳат беради, ҳам келажаги ёрқин бўлишига пишиқ пойдевор яратади.

Кеча китобхонликда ўзини кўрсатган ёшларга автомобиль совға қиланган эди. Бугун Юртбошимиз энг зўр китобхона бешта автомобилнинг пулини ҳада қилишни ўйлапти. Энди айтинг, бу эътибор нима учун, ким учун?

Китоб — наҳотга, юксаклик сари ойдин йўлга айланмоқда!

Айтинг, қайси юрда, қайси юрт Раҳбари томонидан китобхонликка бу қадар жонқурлик қилинмоқда?

Ўйлаб кўринг.

Балки, юқориди блогер қизнинг саволига жавоб берган талаба йигит атайлаб шундай дегандир ёки бор тўшунчаси ҳозирча шудир. Ёки бу билан тендошларининг китобга муносабатини билмоқчи, қалбларига китобга қизиқиш уйғотмоқчи бўлгандир? Чунки мен аллома боболар нигоҳида кенгроқ маънони ўқийман. Китоб — энг содда, энг улуғ мураббий. У мураббий экан, демак, тарбиячи ҳамдир. Тарбиячи экан, албатта, тарбиялайди ҳам. Сиз-чи, азиз ўқувчи, бу фикримга қўшилиасизми?

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ЭЪЛОН

“Ўзбекистон почтаси” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОР!

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Кузатув кенгашининг 2026 йил 1 июндаги мажлиси қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2026 йил 29 июнь кунини соат 14:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш тизими — www.evotuz.uz орқали ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 13:00 дан 13:55 гача амалга оширилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2026 йил 23 июнь ҳолатига тузилади. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@pochta.uz.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбекистон почтаси” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Ўзбекистон почтаси” АЖ санақ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
3. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.

4. “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.

5. “Ўзбекистон почтаси” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ҳамда Жамият томонидан корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиниши мониторинги натижаларини қўриб чиқиш.

6. “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан 2024-2025 йиллар якунлари бўйича қўрилган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш тўғрисида.

7. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бош директори ваколатини зайтириш тўғрисида.

8. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий таъқи аудитини ўтказиш мақсадида 2026 йил учун аудиторлик компаниясини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.

9. “Ўзбекистон почтаси” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишига бўлган даврда аффилиланган шахслар билан жорий ҳўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимларни дастлабки тарзда маъқуллаш тўғрисида.

10. “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларига эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ва кун тартибдаги масалалар бўйича масофадан туриб овоз бериш учун id.gov.uz да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари шарт. Электрон овоз бериш www.evotuz.uz веб-сайти орқали амалга оширилади. Акциядорлар умумий йиғилиши бўйича маълумот ва ҳужжатлар билан “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош офисида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача ёки www.evotuz.uz веб-сайти орқали танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: +998 71 232-00-33

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Кузатув кенгаши

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

